13 АВГ 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 180 (20. 747) • 1990 йил 9 август, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

Президент Фармони қандай бажарилмоқда?

РАҲМАТ СИЗГА, ДЕПУТАТ!

Кейинги пайтларда аҳоли қўлидаги чорва моллар камайиб кетганлиги туфайли гўштнинг нархи кескин кўтарилди. Чунки, аҳоли қўлидаги бор қорамол ва қўйларга ҳам озуқа етказиб беришнинг иложи бўлмай қолганди. Шу жиҳатдан олганда жумҳуриятимиз Президентининг «Республика аҳолиси шахсий хўжаликларидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш тўғрисида»ги Фармони халқнинг турмуш шароитини яхшилаш борасидаги дадил қадамдир.

Мана шу Фармонни амалга ошириш юзасидан бизнинг Қамашн районимизда кўпгина ишлар қилинди. Айниқса, райондаги К. Маркс номли совхоз директори, Ўзбекистон ССР халқ депутати Р. Омонов бу борада кўпчиликка ибрат кўрсатмоқда. Унинг шахсан ўзи бошчилик қилиб, совхоз ишчилари, шаҳар аҳолисини, ҳатто қўшни Фрунзе номли совхоз ишчиларини ҳам сомон ва дон билан таъминлашда ибрат бўлмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, ўтган йили 1 тоннаси 24 сўмдан сотилган сомонни бу йил 15 сўмдан сотмоқда. Масалан, мен ҳам ана шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлдим. Мен Қамаши шаҳридаги маданият уйида кўп йилдан бери ишлаб келаман. Ойлик маошим 160 сўм. 7 нафар фарзандим бор. Завжам эса 70 сўм олади. Бу ҳозирги кунда 9 кишига кифоя эмас. Шу сабабли мен иккита сигир, 1 та бузоқ ва 5-6 та қўй боқаман. Мана энди ем-хашак сероб, унинг нархи арзонлигини айтмайсизми? Бу ўз-ўзидан яқин йиллар ичида фаровонлигимизни янада оширишга ёрдам беради. Ана шу сабабли ҳам «Раҳмат сизга, депутат» дегим келади.

А. ТЎРАЕВ.
Қамашн шаҳридаги район маданият уйи директори.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

МАТБУОТНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси «Партия оммавий ахборот воситалари структурасини такомиллаштиришнинг баъзи чоралари ҳақида»ги масалани кўриб чиқди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССРда умумий тиражи 6,4 миллион нусхадан иборат 219 номдаги жумҳурият, вилоят, шаҳар ва район газеталари чиқмоқда. Ўзбек тилида 143 газета, рус тилида — 27, қорақалпоқ тилида — 14, қозоқ тилида — 4, тожик тилида—2, қрим татар тилида—2 газета чиқмоқда, таржима қилинадиган ва ўзбекча-русча аралаш нашрлар—7 та, ўзбекча-тожикча аралаш нашрлар—13 та, ўзбекча-қозоқча аралаш нашрлар — 3 та, қорақалпоқча-русча нашр — 1 та.

Компартия Марказий Комитетининг Бюроси жумҳурият матбуоти структурасини, моддий-техника базасининг имкониятларини ҳамда аҳоли турли гуруҳларининг босма нашрларга эҳтиёжларини таҳлил қилиб, баъзи жумҳурият газеталари структурасини қайта кўриб чиқиш ва тартибга солиш, уларнинг муассислари ва нашрларини аниқ белгилаб қўйишни зарур деб топди.

Бундан буён «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталарини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг органлари сифатида нашр этиш, Марказий Комитетнинг рус тилидаги «Сельская правда» газетасини чиқаришни тўхтатиш кўзда тутилмоқда. «Сельская правда»нинг моддий базасида ва жумҳурият Олий Советининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг органлари «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ўзбек ва рус тилларида чиқарилади.

Жумҳурият Компартияси Марказий Комитети, Олий Совети ва Министрлар Советининг органлари — тожик тилида чиқадиган «Ҳақиқати Ўзбекистон» ва қрим татар тилида чиқадиган «Ленин байрағъы» газеталари Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг газеталарига айлантирилади. Шу билан бир вақтда қозоқ тилида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Дўстлик туы» («Дўстлик байроғи») газетаси ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият Кенгашининг ўзбек тилида «Меҳнат» газетасини — касаба уюшмалари Ўзбекистон жумҳурият Кенгаши органини ташкил этиш муддаоси маълумот учун қабул қилинди.

Газеталарни уларнинг муассислари бюджети маблағидан пул билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ҳафтасига олти марта, «Дўстлик туы» газеталари ҳафтада уч марта, ҳаммаси «Правда» газетаси форматининг тўрт саҳифаси ҳажмида чиқади. «Меҳнат» газетаси ҳафтанома бўлиб, «Правда» форматининг ярмича 16 саҳифа ҳажмида чиқади.

Компартия Марказий Комитетининг Бюросида барча оммавий ахборот воситалари фаолиятида муассислар томонидан мумкин қадар кам дотация бериш принципи қарор топиши, кейинчалик ўз харажатларини ўзи тўла қоплашга ва фойданинг бир қисмини белгиланган тартибда муассисларга ва нашрларга беришга ўтиши лозимлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан Марказий Комитет Бюроси янги матбуот органларини ташкил этиш масалаларини мунтазам равишда Марказий Комитет олдига қўяётган вилоят партия комитетларининг эътиборини мавжуд газеталар ва янги ташкил этилаётган газеталар, айниқса шаҳар ва район газеталарини пул билан таъминлаш ва уларнинг моддий таъминоти билан боғлиқ реал аҳволни тўла ҳисобга олиш зарурлигига қаратди. Партия комитетларига ўз нашрларининг рентабеллигини ошириш, уларнинг структурасини такомиллаштириш билан батафсил шуғулланиш, районлараро газеталарни ташкил этишга дадил ўтиш таклиф қилинди.

Партиявий журналларнинг структураси ҳам кўриб чиқилди. «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» назарий ва сиёсий журналини ўзгартириб, Марказий Комитетнинг асосан партия фаолларига мафкуравий соҳа фаолларига, жамоат ташкилотларининг ходимларига ва гуманитар касб эгаларига мўлжалланган назарий ва ижтимоий-сиёсий журналга айлантиришга, «Партия турмуши» — «Партийная жизнь» журналини тугатиш ҳисобига мазкур журнал ҳажмини оширишга қарор қилинди.

Марказий Комитетнинг ўзбек ва рус тилларида чиқадиган «Мулоқот» — «Диалог» оммабоп ижтимоий-сиёсий журнали ташкил этилмоқда. Янги нашр сиёсий турмушнинг хилма-хиллигини, партия ва жамоат ташкилотлари ҳамда ҳаракатларининг фаолиятини ёритиши, жумҳуриятда ва мамлакатда содир бўлаётган энг муҳим воқеаларни шарҳлаб бериши керак. Журнални Компартия Марказий Комитетининг «Ўзбекистон агитатори» — «Агитатор Узбекистана» журналини ҳамда Ўзбекистон журналистлари уюшмасининг таклифига биноан рус тилида чиқадиган «Корреспондент» журналини тугатиб, шу журналлар базасида чиқариш кўзда тутилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари структурасини такомиллаштириш, редакция коллективларини мустаҳкамлаш ва ходимларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ топшириқлар берилди.

Компартия Марказий Комитетининг Бюроси КПССга ҳуруж қилаётган, халқнинг маънавий ва ахлоқий қадриятлари ҳамда анъаналарига зид келадиган нашрларнинг тиражини Компартия Марказий Комитетининг полиграфия базасида босиб чиқаришга йўл қўйиб бўлмайди, деб белгилаб қўйди. Бундан буён партияга тааллуқли бўлмаган иттифоқ нашрлари тиражи Марказий Комитетнинг Мафкуравий комиссияси билан келишиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси тасдиқлагандан сўнггина Марказий Комитет нашриётида босиб чиқарилиши мумкин.

Нашриёт харажатларининг ортиши ҳамда алоқа хизмати ва матбуот тарқатиш тарифларининг оширилиши кутилаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ишлар мудирлигига партия нашрларининг рентабеллиги масалаларини манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда тезда кўриб чиқиш ва партия газеталари ҳамда журналларига мақбул нарх белгилаш тўғрисидаги таклифларни киритиш топширилди.

Масалани муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети жумҳурият министрликлари ва идоралари томонидан чиқарилаётган бир қанча журналлар ва ахборотномаларнинг структураси ва уларни бундан буён нашр этишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқсин, деган таклиф айтилди.

Жумҳуриятимизда: янгиликлар, воқеалар



«ДЎППИ ТИКДИМ, ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН...»

Бухоро зардўзлик фабрикаси чеварлари билан мулоқотда шу қўшиқ оҳанглари такрор-такрор янграётгандек туюлади, кишига. Уларнинг меҳнатларини кузатамиз. Ишлар қўлда бажарилади. Чеварлар нозик дидли, айниқса тилла ипларни нақш узра юритишда назокат соҳибаси эканликларининг гувоҳи бўласиз...

Қадим-қадимда дарвозаларида тилларанг ипак билан тикилган маҳсулотлар юксак қадрланган. Жаҳон бозорларида юксак баҳоланган. Замонамиз хотин-қизлари авлодлардан мерос қолган касбни ардоқлашяпти.

Ҳақиқий санъат асарлари деб тан олинадиган дўппи, миллий чопон, оёқ кийими, турли совға-салом буюмлари... Бу корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар хилма-хил. Бухоролик усталарнинг маҳсулотларига хорижий элларнинг фуқаролари ҳам тан беришади, кўплаб харид қилишга ошиқишади. Чет эл музейлари залларида Бухорода тайёрланган, зардан тикилган маҳсулотларни учратасиз. Америка Қўшма Штатлари, Япония, Англия, Бельгия мамлакатларида ўтказилган кўргазмаларда бухоролик усталарнинг асарлари бир неча бор намойиш этилди.

● Чеварлар билан танишинг; Шоира Абдуллаева, Шарофат Гулиева, Дилором Муборакова (чапдан ўнгга). Улар корхона фахри. Нақшлар узра мўъжаз игнани юритиб, нақшни садафдек бир ишга чизиш уларга хос.

Б. ЮСУПОВ олган сурат (ЎзТАГ).

КАСАНАЧИЛАР ЦЕХИ

Қизилтепа районидаги халқ истеъмоли буюмлари фабрикасида ички резерв ва имкониятлар омилкорлик билан ишга солинаётганлиги туфайли ютуқлар кўпаймоқда.

Айни пайтда фабрика раҳбарлари ишсиз юрган аҳолини иш билан банд қилиш чора-тадбирларини кўряпти. Яқинда шу мақсадда касаначилик цехи ишга туширилди. Цехнинг 60 нафар ишчи аёлига уйда иш бажаришга рухсат берилди. 75 нафар хотин-қиз эса иккинчи сменада бичиш-тикиш ишлари билан шуғулланадиган бўлди.

Корхонада ишчи кучининг кўпайиши бир неча турдаги қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга имконият яратяпти. Ҳозир бу ерда 21 турдаги болалар, аёллар ва эркаклар кийим-кечаклари тайёрланяпти. Шу йилнинг 6 ойи мобайнида фабрика жамоаси 1 миллион 73 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Меҳнат беллашувида Тоир Тўхтаев ва Алижон Шаропов бошлиқ цех ишчилари ғолиблик қиляпти.

Б. МАНСУРОВ,
Бухоро области

ПУДРАТ САМАРАСИ

● Ленин ноҳиясидаги Андижон 1-насллик паррандачилик репродуктори коллективи давлатга гўшт ва тухум топшириш беш йиллик режасини муддатидан илгари бажарди.

Беш йиллик режада белгиланган 720 тонна ўрнига 1023 тонна парранда гўшти, 3 миллион 700 минг дона ўрнига 6 миллион 200 минг дона тухум тайёрланди. Режадаги 850 минг ўрнига 1 миллион 820 минг сўм фойда олинди.

Беш йиллик ва 1990 йил режасининг муваффақиятли бажарилишида ижара пудратининг аҳамияти катта бўлди.

Репродуктор коллективи шу йил охиригача яна давлатга 150 тонна парранда гўшти ва 600 минг дона тухум топшириш мажбуриятини олди.

Т. КОМИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси тўғрисида НИЗОМ

1. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси (Ўзбекистон Компартияси МНТК) коммунистлар ва партия ташкилотлари томонидан жумҳурият Компартияси марказий органлари ва уларнинг аппарати фаолиятини назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Компартияси съездида сайланади. Комиссия КПСС Уставига ва ушбу Низомга амал қилади, ўз фаолиятида мустақил бўлиб, Ўзбекистон Компартияси съезди ва конференциясида ҳисоб беради.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси:

— КПСС дастурий ҳужжатлари ва Уставининг, КПСС ва Ўзбекистон Компартияси съездлари ва конференциялари қарорларининг бажарилишини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, унинг ижрочи органлари фаолиятида инсоқпарварликка, коллегиалликка, ошкоралиққа, бошқа демократик қоидаларга риоя этилишини назорат қилади, уларнинг қарорлари дастур ва Устав қоидаларига, амалдаги қонунларга мос келмаган тақдирда бу қарорлар юзасидан норозилик билдиради; партия сиёсатида бюрократизм, субъективизм ва ўзбошимчаликка қарши, танқидни бўғишга, суиистеъмолга қарши чоралар кўради;

— партия сафлари бирлигини ва партиявий ўртоқликни мустаҳкамлашга, бошланғич партия ташкилотлари обрўси ва мустақиллигини оширишга ёрдам беради, коммунистнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, партия ташкилотларида ва сайлаб қўйиладиган партия органларида озчиликнинг ўз мавқеини ҳимоя қилиш ҳуқуқи камситилмаслигини, қабул қилинган қарорлар эса барча коммунистлар томонидан бажарилишини кузатиб боради;

— Ўзбекистон Компартияси бюджети ижросини назорат қилади, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, унинг муассасалари, матбуот органлари, нашриётлари ва корхоналарининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади;

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида, унинг ижроия органлари ва аппаратида, муассасалари ва корхоналарида партия ташкилотларининг мурожаатларини, хатлар ва аризаларни кўриб чиқиш юзасидан белгиланган тартибга риоя қилинишини текширади;

— партия ташкилотларидан ва коммунистлардан ўз номига келган аризаларни кўриб чиқади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади, тушунтиришни талаб қилади, ўз ҳаракатлари билан партиянинг обрўсига путур етказувчи ҳар қандай коммунистни КПСС Уставига мувофиқ равишда жавобгарликка тортади. Ўзбекистон Компартияси МНТКнинг партиядан ўчириш тўғрисидаги қарори тегишли бошланғич партия ташкилотига етказилади, бошланғич партия ташкилоти эътироз билдирган тақдирда шу партия ташкилотининг вакили иштирокида қайтадан кўриб чиқилади, ундан кейин қабул қилинган ҳисобланади;

— партия аъзолари КПСС Уставини, партия олий органлари қарорларини бажаришларини текширади;

— Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон жумҳурият ва вилоят комитетларининг ҳамда тегишли назорат-тафтиш комиссияларининг КПСС сафидан чиқариш ва жазо бериш тўғрисидаги қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқади;

— Қорақалпоғистон жумҳурият, вилоят, шаҳар ва район партия ташкилотларининг назорат-тафтиш комиссияларига методик ёрдам беради, партия назорати практикасини таҳлил қилади.

3. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси Компартия съезди белгилайдиган таркибда сайланади. Ўзбекистон Компартиясининг конференцияси комиссия таркибини қисман (съездлар оралиғидаги даврда учдан бир қисмигача) янгилаш ҳуқуқига эгадир. Ўзбекистон КП МНТКга сайланган коммунистлар бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига аъзо бўлишлари ёки унинг аппаратида ишлашлари мумкин эмас.

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг ялпи мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида икки марта, шунингдек МНТК аъзолари учдан бир қисмининг талабига мувофиқ ўтказилади.

4. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси пленумда ўз таркибидан Ўзбекистон КП МНТК президиумини, шу жумладан Ўзбекистон Компартияси МНТК Раиси ва раис ўринбосарларини сайлайди, МНТК аъзолари орасидан, шунингдек маслаҳатчи сифатида тасдиқланадиган бошқа коммунистлар орасидан доимий комиссиялар ва назорат гуруҳларини, бошқа органларни сайлайди, МНТК президиуми ҳамда у тузадиган органларнинг ваколатларини белгилаб беради. Президиум ўз фаолияти тўғрисида пленумга ҳар йили ҳисоб беради.

МНТК аъзосини унинг таркибидан чиқариш тўғрисидаги масала комиссия пленумида кўриб чиқилади. Яширин овоз бериш натижасида ҳозир бўлганларнинг камида учдан икки қисми, лекин съездда сайланган таркибнинг ярмидан кўпроғи маъқуллаб овоз берса қарор қабул қилинган ҳисобланади.

5. Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумлари ва комиссиялари ишида, Ўзбекистон КП МНТК Раиси ва унинг ўринбосарлари эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва секретариати мажлисларида маслаҳат овози билан иштирок этадилар.

6. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси ишни ошкора олиб боради, ўз фаолияти тўғрисида партия ташкилотларига мунтазам ахборот беради, у қабул қилган қарорлар партия матбуотида эълон қилинади. МНТК аъзолари партия ташкилотларида мунтазам ҳисоб бериб турадилар.

7. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси жумҳурият партия бюджети маблағи ҳисобидан иш учун зарур аппаратни сақлаб туради. Комиссия фаолиятини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети моддий-техникавий жиҳатдан таъминлайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясини сақлаш учун маблағ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва МНТК қўшма пленумларида белгиланади.

8. Ўзбекистон Компартияси МНТК ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўртасида юз берадиган келишмовчиликлар тенг асосда тузиладиган келиштириш комиссияси томонидан, шунингдек Марказий Комитет Бюроси ва Ўзбекистон КП МНТК президиуми қўшма пленумлари ва мажлисларида ҳал қилинади. Агар алоҳида-алоҳида овоз бериш чоғида Марказий Комитет ва МНТК аъзоларининг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берса биргаликдаги қарор қабул қилинган ҳисобланади.

9. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси ўз ихтиёридаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади, тафтиш якунлари юзасидан акт тузади ва уларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, тафтиш этилган муассасалар ва корхоналар раҳбарларига етказади, улар эса кўрилган чоралар тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясига хабар қилишга мажбурдирлар.

Зарур бўлса комиссия назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказиш учун жамоатчилик асосида коммунистларни, шунингдек белгиланган тартибда ишига ҳақ тўлаб турли тармоқ мутахассисларини жалб этиши мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари ўз вазифаларини бажариш чоғида партия комитетлари, ташкилотлари, муассасалари, Ўзбекистон Компартияси нашриётларининг матбаа органлари тасарруфидаги барча ҳужжатлардан ҳамда уларнинг фаолиятига тааллуқли ҳужжатлардан фойдаланадилар. Улар жумҳурият партия ташкилотига қарашли партия ташкилотларининг ва комитетларининг барча йиғилишлари ҳамда мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

10. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг ўзбек ва рус тилларида ўз номи ёзилган муҳри бўлади.

ГРАНОВИТАЯ ПАЛАТАДА МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР

● Катта Кремль саройининг Грановитая палатасида СССР Олий Совети, СССР Министрлар Совети ишчи гуруҳлари билан иттифоқдош жумҳуриятлар Олий Советлари мухтор вакилларининг давра суҳбатлари давом этмоқда. Қирғизистон ССР ва Ўзбекистон ССРнинг мухтор вакиллари 7 август куни янги Иттифоқ шартномасининг концепцияси тўғрисидаги масала юзасидан ўз таклифларини баён этдилар.

Қирғизистон ССР ишчи гуруҳининг раҳбари — жумҳурият Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, давлат план комитетининг раиси С. Б. Бегалиев ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан янгиланган Иттифоқ зарурлигини уқтирди. Қирғизистон ССР СССРни сақлаб қолишни, СССРни ташкил этиш тўғрисидаги 1922 йил шартномасининг давомийлигини, барча жумҳуриятлар мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлишига кафолат бериш учун Иттифоқ муносабатларини демократик асосда қайта қуриш кераклигини ёқлаб чиқмоқда. Жумҳурият вакиллари мухторият мақомини, марказга берилади-ган ваколатлар рўйхатини аниқлаш, бирлашиш принципларини қарор топтириш сингари қоидаларни Иттифоқ шартномасида қандай акс эттириш лозимлиги хусусида аниқ-равшан таклифлар киритишди.

Ўзбекистон ССР вакили — жумҳурият Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, давлат план комитетининг раиси Б. С. Ҳамидов ўз таклифларини баён этди. У, жумладан, жумҳуриятнинг янги Иттифоқ шартномаси тузилишига аниқ-равшан ёндашувлари ҳамда муносабатини билдирди.

Ҳар икки ишчи гуруҳи мустақил давлатлар Иттифоқи тузилишини ёқлаб гапирдилар. Жумҳуриятларда янги Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси устидаги ишлар давом эттириладиган бўлди.

СССР Олий Совети билан СССР Министрлар Советининг ишчи гуруҳига: СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссияси раиси Г. С. Таразевич, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети комиссияларининг Раислари Н. Н. Гриценко, В. Г. Кучеренко ва Ю. К. Шарипов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Х. Догужиев кирдилар.

Жумҳуриятлар Олий Советларининг вакиллари билан Москвадаги маслаҳатлашувлар давом эттирилади.

(ТАСС).

ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМАСИНИНГ СЪЕЗДИ

8 август куни Тошкентда ўрмон қоғоз ва ёғочни қайта ишлаш саноати ходимлари касаба уюшмаси ўрнига ташкил этилаётган касаба ташкилотининг съезди иш бошлади.

Маърузада ва нутқларда тармоқни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш шароитида касаба уюшмаси олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Съезд делегатлари Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерацияси Уставининг лойиҳасини, совет касаба уюшмалари конфедерациясини ташкил этиш тўғрисидаги декларацияни муҳокама этиб, ўзларининг янги уставини қабул қиладилар. Съезд тармоқ касаба уюшмасининг раҳбар органларини ҳамда Ўзбекистон ва мамлакат касаба уюшмалари съездларига делегатлар сайлайдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг II пленуми

КПСС XXVIII СЪЕЗДИ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий назорат комиссияси Президиумининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раиси Ш. М. ЙЎЛДОШЕВ маърузаси

Ўртоқлар! Пленумимиз партияда ва умуман жамиятда КПСС XXVIII съездининг якунлари қизғин муҳокамаси давом этаётган, съезд қабул қилган қарорлар идрок этилаётган, қайта қуришнинг ҳозирги босқичида партиянинг ўрни ва роли, қайта қуриш истиқболлари тўғрисида баҳс-мунозаралар бўлаётган пайтда ўтмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлиб ўтган иккинчи Пленуми мамлакатимиз олий партия анжумани делегатлари қандай мураккаб муҳитда иш олиб борганликларини, улар партиянинг ленинча ташкилий ва ғоявий асосларини нақадар қийин ва одатдан ташқари вазиятда ҳимоя қилганликларини, партиянинг қайта қуриш ташаббускори илғор ролини сақлаб қолиш зарурлигини ҳимоя қилганликларини чуқур, ҳар томонлама ва узил-кесил ошкоралик билан кўрсатиб берди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримовнинг пленумда қилган маърузасидаги хулосалар ва таклифларни тўла қўллаб-қувватлаб, шу нарсани яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман: КПСС XXVIII съезди ленинчи партия жамиятимизнинг асосий жипслаштирувчи кучи бўлиб қолаётганини, бундан буён ҳам амалий ишлар билан ўзининг етакчилик ролини мустаҳкамлаш муддаосини ишонарли тарзда намойиш қилди. Партиянинг парчаланиб кетишини, унинг сиёсий майдондан тушиб кетишини хоҳлаган, ҳатто бу КПССнинг сўнгги съезди деб умид қилган кишилар яна бир бор хато қилдилар. Ҳозир мамнуният билан айтиш мумкинки, жумҳурият коммунистлари — XXVIII съезд делегатлари КПСС бирлигини изчиллик билан қатъий ҳимоя қилдилар, ушбу умумпартиявий ишга муносиб ҳисса қўшдилар.

Съезд қабул қилган КПСС янги Устави партия турмуши, уни такомиллаштириш, ташкилий ва ғоявий бирлигини мустаҳкамлаш учун ғоят муҳим аҳамиятга эга. Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларига мустақиллик берилиши, уларга сиёсий, ташкилий ишларни, кадрлар, нашриётлар, молия-хўжалик ишлари ва бошқа масалаларни ҳал этиш ҳуқуқининг берилиши, шунингдек бошқа, жумладан хорижий партиялар ва жамоат ҳаракатлари билан алоқа қилиш ҳуқуқининг берилиши Ўзбекистон Компартиясига ўз ишини тағин ҳам ташаббускорлик билан қуриш, коммунистлар фаоллигини кучайтириш, ўз қарорлари ва ҳаракатларида жумҳурият меҳнаткашларининг манфаатларини тўлароқ ифодалаш имконини беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми партия комитетлари ва ташкилотларининг жумҳуриятимиз партия ташкилоти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва тўла ҳуқуқлилигини ривожлантиришга доир аниқ-равшан вазифаларини белгилаб берди, дастурий ҳужжатни, Ўзбекистон Компартиясининг мақомини ишлаб чиқишга, бошланғич партия ташкилотлари, барча даражадаги сайлаб қўйиладиган органлар ролини ошириш ва обрўсини мустаҳкамлашга, жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларга ва бошқа масалаларга доир конкрет тадбирларини белгилаб берди, шунингдек Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг иккинчи босқичига тайёргарлик кўриш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Аслида Пленум ана шу съезд биринчи босқичининг стратегик йўлини ривожлантирди, КПСС XXVIII съезди якунларини ҳисобга олиб, жумҳурият Компартиясининг вазифаларини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Комиссиямиз аъзолари Пленум ишида қатнашган, олдимизда турган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ҳамда уларни ҳал қилишнинг кўзда тутилаётган йўлларини, бозор иқтисодиётига ўтишга муносабатларни ҳамда аҳолини, биринчи навбатда унинг камбағал қисмини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлаш масалаларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг принципиал позициясини биладилар, шунинг учун ҳам бу ҳақда менинг батафсил тўхталиб ўтишимга ҳожат бўлмаса керак. Пленум кадрларга доир сиёсатнинг, мафкуравий ишларнинг асосий муаммолари юзасидан, партия қурилишининг бошқа масалалари, турли жамоат ташкилотлари ва норасмий ҳаракатлар билан ўзаро муносабатлар, партия ва Советларнинг алоқалари, миллатлараро масалаларни ҳал қилиш йўлларини ишлаб чиқди. Шунинг учун ҳам ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, XXII съезд (кечаги пленум унинг мантиқий давоми бўлди) жумҳуриятимиз партия ташкилоти турмушидаги тарихий съезддир, Марказий Комитет Сиёсий маърузасидаги хулосалар эса меҳнаткашлар ва Ўзбекистон аҳолиси орасида кенг қўллаб-қувватланди.

Ана шуни ҳисобга олиб, сизларни, Пленум қатнашчиларини янги ва масъулиятли назорат ишимизнинг аниқ шакллари ва усулларини фаол муҳокама қилишга таклиф қилмоқчиман. Ўзбекистон Компартиясида ошкоралик ва демократияни ривожлантириш юзасидан биринчи навбатда биз нима ишлар қилишимиз керак? Партия интизомини мустаҳкамлаш учун қандай чоралар кўриш лозим? Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар сайловига Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди Ҳаракат дастури бажарилиши учун коммунистлар масъулиятини қандай қилиб ошириш мумкин? Партия ташкилотлари ишнинг сиёсий усулларини тезроқ эгаллаб олишларига қандай эришиш мумкин? Партия XXVIII съезди қарорларини, КПСС Марказий назорат комиссияси сайланганлиги ва бу комиссия ҳақидаги Низом тасдиқланганлигини ҳисобга олиб, комиссиямиз фаолияти умуман Ўзбекистон Компартияси фаолиятининг тўлақонли таркибий қисми бўлиши учун Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомга қандай ўзгартишлар киритиш лозим? Ана шу ва бошқа масалалар биринчи навбатда ҳал этишни талаб этади, албатта.

XXII съезд тасдиқлаган Назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомда комиссия съездга ёки жумҳурият партия конференциясига бўйсунади, у мустақил ҳаракат қилади дейилган, комиссия фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Дастурий ҳужжатлар ва КПСС Устави, КПСС ҳамда Ўзбекистон Компартияси съездлари ва конференцияларининг қарорлари бажарилишини назорат қилиш, коллегиалликка, ошкораликка риоя этилишини, тўрачиликка, субъективизмга, танқидни бўғишга, суиистеъмолларга қарши чоралар кўриш биринчи даражали вазифалар қаторига киради. Бундан ташқари комиссия Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида, унинг ижро этувчи органлари ва аппаратида, муассасалари ва корхоналарида партия ташкилотларининг мурожаатлари, хатлар ва аризаларни кўриб чиқишнинг белгилаб қўйилган тартибига риоя қилинишини мунтазам текшириб бориши керак. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, шунингдек комиссия аъзоларининг истакларини ҳисобга олиб, Назорат-тафтиш комиссияси президиуми сизларнинг кўриб чиқишингиз учун назорат гуруҳининг шундай таркибини тайёрлади. Бу гуруҳ аъзоларининг бир қисми кичик группани ташкил этади ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратида ва унинг ишчи органларида ишларнинг аҳволини ўрганиш билан мунтазам шуғулланади, қолганлари эса жумҳурият органларига бошчилик қилаётган коммунистлар, маҳаллий партия ташкилотлари КПСС дастурий ҳужжатларини ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларини қандай бажараётганликларини назорат қилиб боради.

Шу муносабат билан ўз позициямизни аниқ белгилаб олишимиз лозим, чунки айрим жойларда ҳозирнинг ўзидаёқ ҳаддан ошиш ҳолларини бўлмоқда. Бир томондан партия комитетлари аввалгидек комиссияларнинг мустақиллигини менсимай улардан фойдаланишлари давом этмоқда. Иккинчи томондан эса ходимларимиз томонидан ҳаддан ташқари жиззакилик қилиш фактлари кўзга ташланмоқда.

Назорат комиссияларининг вазифалари тубдан ўзгарди, албатта. Улар партия назорати комиссиялари билан тафтиш комиссияларини партия комитетлари ҳузурида шунчаки бирлаштириш эмас, балки улар мустақил партия ички назоратини шу билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлар ва вазифалар билан қўшиб олиб бориш зарурлиги ҳақидаги ленинча ғояни ўзида мужассамлаштиради. Комиссия аъзоси тегишли партия комитетининг аъзоси бўлиши ёки унинг аппаратида ишлаши мумкин эмаслиги тасодифий эмас. Бу билан комиссия аъзоларининг партия комитетлари ижрочи органларидан мустақиллиги мустаҳкамланади.

Назорат комиссияларини партия комитетларига қарама-қарши қўйиш, ҳақиқатни аниқлайдиган сўнгги босқичга даъвогарлик қилиш, айниқса четдан кузатувчилик мавқеида туриб фақат бошқаларнинг хатоларини кўрсатиш билан шуғулланиш мутлақо мумкин эмас. Умумий мақсадларимиз съездда белгилаб берилди, коммунистларнинг асосий кўпчилиги ана шу мақсадларга эришиш йўлларини маъқулладилар. Шу сабабли жумҳурият партия ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органларининг, аввало партия комитетлари ва назоратга-тафтиш комиссияларининг барча аъзолари фақат биргаликда иш олиб бориши зарур ва мумкин.

Партия комитетлари билан доимий алоқада бўлиш, улар тузадиган гуруҳлар ва комиссиялар ишида фаол иштирок этиш, партия ички демократияси ва кадрларга доир сиёсатни янада такомиллаштириш, партия бюджетини тўлдириш ва бюджетдан фойдаланиш юзасидан ўз вақтида таклифлар киритиш, хуллас, партия ташкилоти фаолиятини соғломлаштириш ва обрўсини мустаҳкамлаш учун ҳамма чораларни кўриш — комиссиялар, шу жумладан бизнинг комиссиямиз олдида турган асосий вазифалардан бири ана шундан иборат. Яъни ҳар қандай ҳолда ҳам ҳуқуқ ва бурч аниқ мутаносиб бўлиши керак. Вазифасиз ҳуқуқ тўғрисида гапириш қанчалик бемаъни бўлса, ҳуқуқсиз вазифалар тўғрисида гапириш шу қадар бемаъниликдир. Назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари партия комитетлари билан ўзаро муносабат каби нозик масалада принципиалликни сақлаб қолишлари, айни вақтда ҳеч кимга кераги бўлмаган нафсониятга берилишга йўл қўймай, зиммамизга юклатиладиган вазифаларни унутмай, очиғини айтаман — янги ва жуда кенг ҳуқуқлардан тўла-тўкис фойдаланишлари лозим. КПСС Устави мавжуд, бошқа норматив ва дастурий ҳужжатлар ҳам мавжуд, у ёғини сўрасангиз жумҳурият партия ташкилотининг манфаатлари ҳам мавжуд, булар ҳар бир коммунист учун ва албатта, энг аввало сайлаб қўйиладиган органларнинг барча аъзолари учун энг асосий нарсадир.

Назорат-тафтиш комиссиялари билан партия комитетларининг ўзаро муносабатларидаги пленум қатнашчиларининг алоҳида эътиборини жалб этиш лозим бўлган навбатдаги масала — КПСС XXVIII съезднинг «КПСС бюджети ва мулки тўғрисида»ги резолюциясини бажаришда комиссияларнинг роли ва ўрни тўғрисидаги масаладир. Бу масала теварагида жуда кўп баҳслар, мунозаралар давом этмоқда. Партия маблағларини сарфлашда ошкораликнинг йўқлиги коммунистларнинг бир қисмида, шу жумладан КПСС съездида салбий фикрлар туғдирди. Айрим партия ташкилотларида ҳатто партия аъзолик бадалларини тўламай қўйдилар. Янги назорат органлари вазифасига ана шу вазифалар ҳам киритилганлиги тасодифий эмас. Масалан, Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомга мувофиқ комиссиямиз жумҳурият партия ташкилоти бюджети ижросини назорат қилиб бориши, Марказий Комитет, унинг муассасалари, матбуот органлари, нашриётлари ва корхоналари молия-хўжалик фаолиятини вақти-вақти билан тафтиш қилиши лозим. КПСС XXVIII съезди резолюциясига ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети иккинчи Пленумининг мазкур масалага доир кўрсатмаларига мувофиқ биз Марказий Комитет билан биргаликда ўзини ўзи пул билан таъминлаш, пул маблағларини бошланғич партия ташкилотларига қайта тақсимлашга ўтиш шароитида бюджетни шакллантириш, ижро этиш ва назорат қилишнинг янги механизмини ишлаб чиқишимиз, партия комитетлари ва муассасалари структурасини такомиллаштириш воситаси билан, ходимларнинг штатдаги сонини камайтириш йўли билан умумий харажатларни камайтиришимиз лозим. Жумҳурият партия ташкилотининг молия-хўжалик фаолияти вилоят партия ташкилотларининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Компартияси ташкилотларидан ҳар бирининг иши учун зарур моддий шароит яратишни кўзда тутиб, демократик асосга қурилиши лозим. Бунда бюджетни шакллантириш ва ижро этиш тартиби тўғрисида кенг ошкораликни таъминлаш, жойларда ишни йўлга қўйишда вилоят, район ва шаҳар комиссияларига ва партия комитетларига ёрдам бериш жуда муҳимдир.

Ана шу вазифаларни ҳал этиш мақсадида НТК президиуми махсус назорат гуруҳини тузишни зарур, деб ҳисоблайди.

Маърузамнинг шу қисмини якунлар эканман, Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссияси ҳам, маҳаллий партия ташкилотларининг комиссиялари ҳам текширишлар ва тафтишларнинг натижалари фактларни шунчаки қайд этишдан иборат бўлиб қолмаслиги учун ҳаракат қилишлари зарурлигини таъкидламоқчиман. Бу соҳада энг муҳими — камчиликларни тугатишда партия комитетлари ва ташкилотларига кўмаклашишдан, партия бюджети масалалари юзасидан коммунистларнинг ва меҳнаткашларнинг хатлари ва мурожаатларини кўриб чиқиш чоғида камчиликларни очиб ташлашга ҳам, шунингдек партия бадалларини тўлашда қарздорларнинг кўпайишига ҳам уларнинг ўзлари ўткирроқ фикр билдиришларига эришишдан иборат. Бадаллар ўз вақтида ва тўла тўланишини таъминлаш, ўз бюджетини тўлдиришнинг янги имкониятларини қидириб топиш — энг аввало бошланғич партия ташкилотларининг ҳамда улар билан бевосита иш олиб борадиган партия комитетларининг вазифасидир. Яъни бу масалани биргаликда ҳал қилиш чоғида вазифаларнинг яна аралашиб кетишига, бир-бирининг ишини такрорлашга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир ташкилот ўз иши билан шуғулланиши лозим.

Ўртоқлар: қайта қуришнинг ўтган йиллари, иқтисодиётдаги жиддий хатолар, умуман мамлакат бўйича ижтимоий режалар йўл қўйиб бўлмайдиган даражада секин амалга оширилаётганлиги масъулиятсизлик ва бош-бошдоқлик нималарга олиб келиши мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди. Ўзбошимчалик ва ғайриқонунийлик кўпинча демократиялаш жараёнлари ниқоби билан яширилмоқда, социализмга қарши ва партияга қарши очиқдан-очиқ сафсатабозлик эса фикрларнинг хилма-хиллиги ва ошкоралик ниқоби билан яширилмоқда. КПСС XXVIII съездида кўпгина делегатлар интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш юзасидан қатъий чоралар кўришни талаб қилганликлари бежиз эмас. Сизларга маълумки, бу фикр Ўзбекистон Компартияси XXII съезди минбаридан ҳам кўп марта айтилди, унинг резолюцияларида ҳам акс эттирилди. Бу соҳада биринчи навбатда партия аъзолари намуна кўрсатишлари керак. Тоширилган иш соҳаси ва ўзининг шахсий хулқ-атвори учун ҳар бир коммунистнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, партия аъзоларининг ўзаро юксак талабчанлигигина партия ички демократиясини ривожлантиришнинг, жойларда партия органларининг роли ва обрўсини оширишнинг кафолати бўлиши билан бирга уларнинг сўз билан иш бирлигини сўзсиз таъминлашнинг, умуман жумҳуриятда интизом ва тартибни мустаҳкамлашнинг ҳам кафолатидир. Шу муносабат билан очиғини айтиш керак, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси янги таркибининг принципиал, талабчан позицияси кўп жиҳатдан ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарор қилишга кўмаклашди, ҳаёт ҳақиқатларини ҳисобга олмайдиган дабдабабоз «қайта қурувчилар» попугини пасайтириб қўйди. Коммунистлар ва аҳолининг ишончини мустаҳкамлади. И. А. Каримов Марказий Комитетнинг иккинчи пленумида қилган маърузасида жумҳурият партия ташкилотининг бу йўли ўзгармаслигини яна бир бор тасдиқлади. Баъзи коммунистлар интизом талабларини партия ички демократиясига зид деб ҳисоблаётганликлари, партия йиғилишларида қатнашмасликни, аъзолик бадалларини ўз вақтида тўламасликни, партия топшириқларидан бош тортишни ва айниқса ёнида партия билети бўла туриб янги сиёсий структураларни тузиш ишларини олиб боришни нормал ҳол деб ҳисоблаётганликлари ташвишга солмай қўймайди. Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссияси, вилоят, шаҳар ва район партия ташкилотларининг комиссиялари бу жараёнларни кўришлари ва таҳлил этишлари, ҳар бир коммунистдан КПСС Уставига оғишмай риоя қилишни, партия қарорларини бажаришни талаб қилишлари лозим. Бу соҳада ё у ёқлик, ё бу ёқлик бўлиш лозим. Бир вақтнинг ўзида икки қирғоққа қараб сузиб бўлмайди. Бизнингча, партиянинг баъзи аъзолари ўз ихтиёрлари билан КПСС сафидан чиқаётганликларини фожиага айлантирмаслик керак. Йилнинг биринчи ярмида жумҳуриятда 1289 киши партиядан чиқди. Уларнинг баъзилари партия сафига тасодифан кириб қолганлиги, бошқалари мансабпарастлик муддаолари билан кирганликлари, учинчилари эса жамиятда юз бераётган жўшқин жараёнлардан очиқдан-очиқ чўчиб кетганликлари равшан. Ельцин, Попов, Собчак ва уларга ўхшаган кишилар шахсан ўзлари учун партиядан қўлларидан келган ҳамма нарсани олганларидан сўнг жамиятдаги ўзгаришларга доир мулоҳазалар билан партиядан намойишкорона чиқиб кетдилар. Афсуски, бизда ҳам, масалан, Муборак шаҳар ижроия комитетининг раиси ва унинг баъзи яқин кишилари коммунист сифатида депутатликка ўз номзодларини овозга қўйиб, жумҳурият меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси сайловолди ҳаракат дастурини тўла қўллаб-қувватлаганликлари туфайли депутат бўлиб олиб, энди эса шахсий нафсониятларини қўзлаб, партияга нисбатан сотқинлик қилдилар. Аслида улар ўз сайловчиларини алдадилар, чунки сайловга қадар бир гапни айтган бўлсалар, сайловдан кейин бошқача ҳаракат қилмоқдалар. Бундай одамларнинг кимлигини аҳоли тез орада тушуниб олса керак.

Агар киши янглишаётган бўлса, шубҳаларга берилса, унда ҳис-туйғулар устун келса, агар шахсий ёки хизмат қийинчиликлари, коллективдаги ноқулай вазият, раҳбар коммунистнинг ёмон қилиғи унда партия идеалларига ишончсизлик туғдирган бўлсачи? Бизнингча бундай кишилар билан иш олиб бориш керак. Айрим партия комитетлари шошмашошарлик билан кўраётган сўнгги чораларни эса ҳамиша ҳам оқлаб бўлмайди, бундай чоралар коммунистларни кўпинча баррикаданинг бошқа томонига ўтишга мажбур қилади. Аслида биз ўз сафдошларимиздан маҳрум бўламиз. Бу муаммони чуқур тушуниб етиш, якка тартибда иш олиб боришнинг мақбул шаклларини топишда партия ташкилотлари ва комитетларига ёрдам бериш, бундай икkиланаётган коммунистларга мадад бериш керак. Қийин пайтда оилани ташлаб чиқиб кетадиган фарзандни яхши ўғил деб бўлмайди, албатта. Лекин биз ҳар бир хатти-ҳаракатнинг сабабларини тушуниб етишимиз ва партиядаги бошланғич бўғинларимизни ошкора хабардор қилишимиз шарт.

Шу билан бир вақтда партия ички турмушида демократияни ривожлантириб, интизомни қарор топтириб, назорат-тафтиш комиссиялари партия комитетлари билан биргаликда партия аъзоларининг партиянинг шани учун, коммунистнинг юксак ахлоқий қиёфаси учун умумий масъулият туйғусини тиклашлари, КПСС ҳар бир аъзосининг ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳимоя қилишлари даркор.

Ўзбекистон Компартияси назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомда комиссия ўз хатти-ҳаракатлари билан партия обрўсига путур етказадиган ҳар қандай коммунистни КПСС Уставига мувофиқ жавобгарликка тортиши, КПССдан чиқариб юбориш ва жазо бериш тўғрисидаги вилоят партия комитетлари ҳамда вилоят партия ташкилотлари назорат-тафтиш комиссиялари қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқиши кўрсатилган. XXII съезддан кейин ўтган даврда назорат-тафтиш комиссияси коммунистларнинг 16 шикоятини кўриб чиқди. Бу шикоятларни ўрганиш кўп ҳолларда маҳаллий партия органлари партиявий жазо чораларини тўғри қўллаганликларини кўрсатди. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, «буюртма ишлар» деб аталган фактлар ҳали тугатилган эмас. Масалан, Гулистон шаҳар партия комитети Киров номли канал бошқармаси собиқ бошлиғи Р. Г. Паноховнинг шикоятини кўриб чиқаётганда бошланғич партия ташкилотининг фикрини ҳисобга олмай, бирлашган вилоятларнинг партия комитети собиқ раҳбариятининг тазйиқи остида уни партия сафидан чиқарди. Сирдарё вилоят партия комитетининг бюроси янги таркиби шикоятни кўриб чиқиш чоғида юз берган вазиятни охиригача тушуниб етмади. Шахсий иш вужудга келишининг асосий сабабини, қўйилган айбнинг асослилигини эканлигини ўрганиш ўрнига жазони шунчаки енгиллатиб, қаттиқ хайфсан эълон қилдилар. Аслида эса бошланғич партия ташкилоти коммунистлари гувоҳлик берганидек Р. Г. Панохов ғайриқонуний ҳаракат қилмаган, суиистеъмолга йўл қўймаган, минглаб киши ишлайдиган жамоани ижтимоий ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Бироқ унинг принципиал позицияси вилоят партия комитети раҳбариятига ёқмаган, шу сабабли ҳар қандай йўл билан қайсарнинг таъзирини беришга ҳаракат қилмоқчи бўлишган. Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясининг президиуми шаҳар ва вилоят партия комитетининг мазкур қарорларини бекор қилиб, бошланғич партия ташкилотлари коммунистлари фикрини қўллаб-қувватлади. Афсуски, бошқа регионлардан ҳам бундай мисолларни келтириш мумкин.

«Пахта иши» деб аталган ишлар юзасидан коммунистларнинг шахсий масъулиятини кўриб чиқиш партияга нақадар катта зарар келтирди. Камчиликларга, таъмагирликка, таниш-билишликка, қўшиб ёзишларга қарши кураш зўри билан кўпгина коммунистлар, бутун айби ҳуқуқий масалаларни тушунмаганликлари учун ўз раҳбарларига ишониб, уларнинг кўрсатмаларини бажариб, у ёки бу ғайриқонуний ҳаракатларни амалга оширган, лекин бундан ҳеч қандай шахсий наф кўрмаган ҳалол меҳнатчилар партия сафидан чиқариб юборилди. Уларнинг кўплари ҳозир адолатни тиклашни илтимос қилиб, мурожаат этмоқдалар. Агар биз ана шу масалаларни кўриб чиқишга яна қайтсак, тўғри иш қилган бўламиз, деб ўйлайман. Бу соҳада энг муҳими — уларнинг ишдаги ўртоқлари, истиқомат жойидаги қўшнилари фикрини, қайта қуришга муносабатини ва ундаги иштирокини ҳисобга олишдир. Ҳар бир коммунистнинг шаъни ва қадр-қимматини қатъий ва изчиллик билан ҳимоя қилиш бундан буён асосий вазифаларимиздан бири бўлиши керак.

Шу билан бир вақтда партия сафларининг софлиги учун курашда айрим партия ташкилотларининг келишувчилик қарорларига тоқат қилиб бўлмайди. Ахлоқсиз ҳаракатларни содир этган, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилган, хизмат мавқеидан шахсий ғаразли мақсадларда фойдаланган киши партия сафида қолиши мумкин эмас. Масалан, Пастдарғом районида бўлиб ўтган машҳур ҳодисадан жиддий сабоқ чиқариб олиш лозим. бу ерда Устав талабларини ахлоқ-одобни очиқдан-очиқ бузган кишига нисбатан чинакам келишувчилик қилинган. Уруш ногиронларига ва қатнашчиларига ажратилган пулни ўзлаштирган, уларни алдаб, шилиб олган одамни кечириш мумкинми ахир! Барча даражадаги комиссиялар агар коммунистлар партия ташкилоти ишида фаол қатнашмаётган бўлсалар, камчиликларга нисбатан келишувчилик қилаётган бўлсалар, улар шахсий масъулияти тўғрисидаги масалани кўтариб чиқишлари зарур.

Йиғилишларда, пленумларда, конференцияларда ва жумҳурият партия ташкилоти съездида айтилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларни амалга ошириш масалалари ҳам назорат-тафтиш комиссияларининг доимий эътибор беришларини талаб қилади. Уларни бажариш, кўрилган чоралар тўғрисида коммунистларга ўз вақтида ахборот бериш, партия ташкилотлари обрўсини мустаҳкамлашнинг, долзарб муаммоларни ҳал қилишга коммунистларни кенг миқёсда жалб этишнинг муҳим омилидир.

Эҳтимол, назорат-тафтиш комиссиялари партия ташкилотларининг истиқомат жойларидаги, партия ветеранлари, жамоат ташкилотлари билан олиб бораётган ишларини ҳам назорат остига олсалар, меҳнаткашларнинг партия органларига ишончини мустаҳкамлаш мақсадида партия комитетларига тавсия этиш мумкин бўлган таклифларни ишлаб чиқсалар, фойдали бўлур эди.

Партия интизоми муаммолари тўғрисида, умуман назорат-тафтиш комиссиялари ишининг интизомий жиҳатлари ҳақида гапирар эканмиз, КПСС Уставидаги биз ўз ишимизда амал қилишимиз зарур бўлган ўзгаришларга эътиборни қаратишни истардик. Маълумки, илгари бошланғич партия ташкилотининг коммунистни партиявий жавобгарликка тортиш ва партия сафидан чиқариш тўғрисидаги қарори район партия комитети ёки шаҳар партия комитетининг бюроси уни тасдиқлаганидан кейингина кучга кирар эди. КПССдан чиқарилган ёки жазо олган киши фақат икки ой ичидагина юқори партия комитетига шикоят қилиши мумкин эди. Энди эса КПСС Уставининг 4 ва 17 параграфларига мувофиқ партияга қабул қилиш ва унинг сафларидан чиқариш масалалари бошланғич партия ташкилотининг ваколатига айланмоқда. Айни пайтда бу партия комитетининг ва тегишли партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг коммунистни КПСС сафларидан чиқаришга қадар партиявий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини истисно этмайди. Бунда бошланғич партия ташкилотининг фикри бошқача бўлиши мумкин ва шундай бўлса, масала партия ташкилотининг вакиллари иштирокида ҳал этилади ва узил-кесил қарор қабул қилинади. Бундан ташқари, коммунист ана шу қарорга нисбатан норозилик билдириб, юқори назорат-тафтиш комиссиясига мурожаат қилиши мумкин. Бу фавқулодда муҳим қўшимчалардир ва назорат-тафтиш комиссиялари КПСС Уставининг коммунистни партиядан чиқариш ва жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш чоғида бошланғич партия ташкилотининг мавқеини ошириш тўғрисидаги талаблари бузилмаслигига эришишлари керак.

Назорат-тафтиш комиссияси президиуми юқорида айтиб ўтилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида партия ички турмуши нормаларига риоя этилишини назорат қилиш, партия сафлари бирлигини мустаҳкамлаш, коммунистларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аризаларни кўриб чиқиш билан шуғулланувчи алоҳида назорат гуруҳини тузишни таклиф этади.

Шунингдек, шикоятларни ва шахсий ишларни дастлабки тартибда кўриб чиқувчи алоҳида гуруҳ ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси комиссия аппарати ходими билан биргаликда муайян бир соҳага оид масалани аниқ — равшан муҳокама қилган бўлур эди. Ана шу кичик гуруҳ 30-40 ва 50-йилларнинг бошларида қатағон қурбонлари бўлган коммунистларни оқлаш билан боғлиқ масалаларни ҳам ўрганиб чиққан бўлур эди.

Партиянинг ўзидаги ишларнинг аҳволи кучларимиз сафарбар этилиши лозим бўлган асосий соҳа эканлигини назарда тутиб, кенг доирада иш олиб бориш назорат-тафтиш комиссияси фаолиятига асос қилиб олинган. Бу эса Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссияси асосан марказий республика партия органлари фаолиятини назорат қилади, жойларда эса биринчи галда методик ёрдам кўрсатади, деган маънони билдиради. Назорат-тафтиш комиссияси президиуми ана шу талабларга асосланиб, ишдаги барча қимматли жиҳатлар бошқа назорат-тафтиш комиссияларининг ҳам мулкига айланиши учун вилоят, шаҳар ва район назорат-тафтиш комиссияларининг иш тажрибасини ўрганувчи ҳамда партия назорати практикасини таҳлил этувчи алоҳида гуруҳ ҳам ташкил этишни зарур деб топди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссияси кенг кўламдаги масалаларни ўрганиб чиқишига ҳам тўғри келади. Бу ишда ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий муаммоларни ҳар томонлама билиш, мутахассисларнинг тажрибаси зарур бўлади. Шуни назарда тутиб, энг етук фаол аъзолардан маслаҳатчилар гуруҳини тузиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясининг вазифалари ва тузилишига оид асосий мулоҳазалар ана шулардан иборат. Бу мулоҳазалар гуруҳларнинг шахсий составига доир таклифлар билан биргаликда президиумда дастлабки тартибда кўриб чиқилди ва пленум иштирокчиларига тарқатилди. Бугун биз улар юзасидан қарорлар қабул қилишимиз керак.

Назорат-тафтиш комиссияси президиуми, барча назорат гуруҳлари режали асосда иш олиб боришлари, ўрганиб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш, партия ташкилотларидаги салбий ҳолатлар ва тамойилларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш учун, коммунистларнинг шахсий ишларини ва шикоятларини дастлабки тартибда кўриб чиқиш учун мунтазам йиғилишлар ўтказишлари лозим. Ушбу масалалар Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясининг иш тартиби лойиҳасига киритилган. Биз ана шу лойиҳани муҳокама қилишимиз ва тасдиқлашимиз лозим.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди Назорат-тафтиш комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилар экан, айни пайтда комиссиянинг пленумига КПСС XXVIII съезди якунларини ҳисобга олиб, Назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомга зарур ўзгартишлар киритиш ҳуқуқини берди. Сизлар аввалги ва узил-кесил ишлаб чиқилган ҳужжатларни таққослаш имкониятига эгасизлар. Кўриб турибсизки, комиссиянинг мақсадлари ва вазифаси бирмунча ўзгарган. Комиссия жумҳурият партия ташкилоти марказий органларини ва Ўзбекистон Компартиясининг марказий органларини ва уларнинг аппаратини коммунистлар ва партия ташкилотлари томонидан назорат қилиш мақсадида сайланади. Иккинчидан, комиссия аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети таркибига киришлари ёки унинг аппарати ходимлари бўлишлари мумкин эмас. Учинчидан, назорат-тафтиш комиссияси аппаратини сақлаш тартиби янгича белгиланган: ана шу мақсадлар учун маблағлар Марказий Комитет ва Назорат-тафтиш комиссиясининг кўшма пленумларида белгиланади. Тўртинчидан, президиумнинг пленум олдида ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили ҳисобот бериб туриши ҳақидаги қоида илова қилинади.

Низом лойиҳасига киритилган бошқа ўзгаришлар ҳам бор. Бундан ташқари, КПСС Уставининг 22-параграфи иттифоқдош жумҳуриятларнинг компартияларига янги ҳуқуқлар беришини, улар тобора мустақил бўлиб,

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг II пленуми

КПСС XXVIII СЪЕЗДИ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

КПССнинг Дастурий ва Устав принциплари асосида ўзларининг дастурий ва норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга эканликларини назарда тутиб, Назорат-тафтиш комиссияси президиуми Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясини Марказий назорат-тафтиш комиссияси деб аташни, айни пайтда вилоят, шаҳар ва район партия ташкилотлари комиссияларининг номларини сақлаб қолишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди бизга шундай ҳуқуқ берди. Энди гап ушбу пленум қатнашчилари қандай қарор қабул қилишларида қолди.

XXII съезд назорат-тафтиш комиссияси олдига қўйган вазифалар комиссия ишида унинг, ҳамма назорат гуруҳларининг барча аъзолари фаол иштирок этиб, президиум ташаббускорлик ва ташкилотчилик билан иш олиб боргандагина сўзсиз бажарилиши мумкин, чунки комиссия аппарати ходимлари камчиликни ташкил этади. Барча партия ташкилотлари ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтаётган ва ўтишлари зарур бўлган бир пайтда комиссия аппарати ходимларининг сони кўп бўлмаслиги керак. Биз фақат биргаликда куч-ғайрат сарфлаш йўли билан олдимизга қўйилган мақсадларга эришишимиз ҳамда бизни назорат-тафтиш комиссияси таркибига тавсия этган ва сайлаган коммунистларнинг ишончини оқлашимиз мумкин.

Ўртоқлар, ҳисобот-сайлов конференциялари ўтганига унча кўп вақт бўлмади. Аммо ана шу қисқа вақт ичида вилоят, шаҳар ва район партия ташкилотларининг кўпгина назорат-тафтиш комиссиялари ишчи органларни қарор топтириш борасида муайян ишларни амалга оширдилар. Ҳамма жойда ишчи органлари сайланди, назорат гуруҳлари тасдиқланди, иш юритиш тартиби йўлга қўйилди. Бир қанча комиссияларда ҳозиргидек назорат масалалари президиум мажлисларида кўриб чиқиш учун тайёрланмоқда. Коммунистик, Собир Раҳимов, Қўнғирот, Шофиркон, Ховос район партия ташкилотларининг назорат-тафтиш комиссиялари фаоллик кўрсатмоқдалар. Андижон ва Наманган вилоят партия ташкилотларининг назорат-тафтиш комиссиялари ўз позицияларини мустаҳкамламоқда: ана шу ташкилотларда партия комитетларининг қарори билан комиссия раисига ёрдам бериш учун 1—2 масъул ва техник ходим ажратилди, ишлаш учун шарт-шароит яратилди. Сирдарё ва Жиззах вилоят партия комитетларида комиссия эҳтиёжларига тушуниб муносабатда бўлинмоқда.

Бироқ биз айрим комиссиялар ташкил этилгандан бери уч ойдан кўпроқ вақт ўтган бўлсада, улар ўз фаолиятини қайта қуришга киришмаганликларини таъкидлашга мажбурмиз. Чунончи, Бухоро районида комиссия эскичасига, режасиз иш олиб бормоқда. Низом тасдиқланмаган, ҳатто биринчи ташкилий пленум протоколи ўз вақтида расмийлаштириб қўйилмаган.

Бир қанча районлар ва шаҳарларда комиссияларнинг моддий-техника таъминоти масалалари ҳамон ҳал этилмай қолмоқда. Йирик партия ташкилотларида назорат-тафтиш комиссияси раисларига ҳеч бўлмаса бирикки масъул ходимни ёрдамчи қилиб бериш имкониятларини қидирсалар, барча комитетларда эса комиссиялар учун иш юритувчи-техник котиблар штат бирлигини ажратиш тўғрисидаги масала ҳал этилса тўғри бўлур эди, деб ўйлаймиз. Вилоят назорат-тафтиш комиссиялари ушбу масалаларни ишлаб чиқишлари, ўз навбатида шаҳар ва район комиссияларига тезроқ фаол ишга киришишга ёрдам беришлари зарур.

Назорат-тафтиш комиссиялари билан партия комитетлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар даражаси бугунги кунда муҳим масала ҳисобланади. Бу борада айтилган гапларга қўшимча қилиб, шуни таъкидлайманки, район ёки шаҳар партия комитети сиёсий раҳбарликни амалга оширувчи, кадрлар билан иш олиб борувчи, партия қарорлари бажарилишини йўлга қўювчи орган эканлигига асосланишимиз керак.

Назорат-тафтиш комиссияси эса текширувчи, интизомий орган сифатида салбий ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаши ва бартараф этиши, камчиликларнинг олдини олиш ишларини олиб бориши лозим. Лекин буни партия комитетларининг ҳамма котиблари ҳам ҳали тушуниб етмаётганга ўхшайдилар. Уларнинг баъзилари комиссиянинг номида «тафтиш» сўзи борлигини кўриб, ҳисобга олиш ишларини айни шу комиссия мунтазам равишда олиб бориши ва партия аъзолик бадаллари келиб тушишида тартибни таъминлаши лозим деб тасаввур этмоқдалар Бу бутунлай нотўғридир. Комиссиялар бу масалаларни фақат назорат тарзида ўрганишлари лозим.

Вилоят партия комитетлари билан вилоят партия ташкилотлари назорат-тафтиш комиссиялари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам тўғри йўлга қўйилиши керак. Бир қанча вилоятларда вилоят партия комитетлари комиссияларнинг иш ҳажми анча ошганлигини била туриб, уларнинг аппарати ходимлари сонини қисқартириб юборганликларини маъқуллаб бўлмайди. Шу билан бир вақтда комиссияларнинг айрим раислари пул билан таъминлашдаги қийинчиликларни билмай, бошқа ишлардан озод қилиб қўйилган ходимлар сонини асоссиз равишда кўпайтиришни талаб қилаётганликларига қўшилиб бўлмайди. Бу масала умуман партия ташкилотининг фаолиятига путур етказмаган ҳолда, имкониятлар ҳисобга олиниб, зарур бўлган тақдирда КПСС Марказий назорат комиссияси тўғрисидаги Низомда ёзиб қўйилганидек, вилоят партия комитети ва назорат-тафтиш комиссиясининг қўшма пленумида ҳал қилиниши лозим. Энг муҳими — назорат-тафтиш комиссиялари ўз фаолларига таяниб партия Уставига мувофиқ равишда ишни йўлга қўйишлари, аҳамиятсиз, кичик масалаларни қўтариб чиқмай, меҳнаткашлар орасида ишонч ва обрў қозонишлари керак.

Ўртоқлар! Биз КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларини амалга ошириш йўлининг бошланишида турибмиз. Комиссиялар фаолиятининг шакллари ва усулларини, услубини пухталаштирибгина қолмай, шу билан бирга коллектив бўлиб тажриба орттириш, жумҳурият партия ташкилотидаги ишларнинг аҳволига фаол таъсир ўтказиб, қайта қуришни жадаллаштиришга ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим. Жумҳурият коммунистлари ҳам биздан ана шуни кутмоқдалар.

Ишингизнинг моҳияти нимада, комиссиянгиз жумҳурият меҳнаткашлари учун қандай аниқ фойдали иш қилди, деган саволга жавоб бериш учун ҳар биримиз тайёр туришимиз зарур. Бу саволнинг биринчи қисмига бериладиган жавоб озми-кўпми равшан. Аммо одамлар бизнинг ишимизга ана шу саволнинг иккинчи, асосий қисмига берган жавобимизга қараб баҳо берадилар. Чунки партия ички ишларини такомиллаштириш мумкин, бироқ одамларнинг турмушини яхшилашда чинакам ўзгаришлар бўлмас экан, бундай такомиллаштиришнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Шу сабабдан комиссиямиз Президиуми Ўзбекистон Коммунистик партияси ҳал этаётган хилма-хил ижтимоий-иқтисодий муаммолар орасидан озми-кўпми бизнинг асосий, ички партиявий ишимиз билан боғлиқ бўлган бир нечта (балки 2—3 та) муаммони ажратиб олишни таклиф қиламан.

Биринчидан барча раҳбар коммунистлар устидан тушган шикоятлар ва аризаларни кўриб чиқишни ўз зиммамизга олишимиз мумкин, таъкидлаб айтамен уларда гап ана шу кишиларнинг КПСС аъзоси бўла туриб қилган нотўғри ҳаракатлари тўғрисида борса, уларни кўриб чиқишни ўз зиммамизга олишимиз мумкин. Шундай қилинса, партия комитетлари бу ишлардан анча енгиллаштирилган бўлур эди;

иккинчидан, Ўзбекистон Компартияси дастурий қарорлари ҳамда сайловолди ҳаракат дастурининг қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуришда коммунистларнинг иштироки қисми қандай бажарилаётганини, шунингдек КПСС аъзоси бўлган раҳбарларнинг ижтимоий адолат қоидаларини тиклашга қўшган шахсий ҳиссасини назорат остига олишимиз мумкин;

учинчидан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва айниқса маданий-маърифий муассасалар фаолиятини яхшилашда коммунистларнинг ролини кучайтириш.

Булар албатта, бизнинг таҳминий режаларимиз, биз ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ишласак ёмон бўлмайди. У ёки бу регионнинг хусусиятларидан келиб чиқиб бошқа масалаларни ҳам олиш мумкин, уларни назорат-тафтиш комиссияларининг ўзлари тегишли партия комитетлари билан биргаликда белгилаб олишлари керак.

Ҳар қандай ҳолда ҳам жумҳуриятимизни Иттифоқ таркибидаги мустақил давлатга айлантиришдек ўз моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан инқилобий ишда иштирок этмасликка ҳаққимиз йўқ. Бизни сайлаган коммунистлар олдида, жумҳурият меҳнаткашлари олдида виждонимиз соф бўлиши керак.

Ўртоқлар, кўриб турибсизларки, ишимизнинг дастлабки босқичидаёқ олдимизда мураккаб ва масъулиятли вазифалар пайдо бўлмоқда. Тажриба орттириш, партия ташкилотларини чинакам сиёсий органларга айлантириш, демократия жараёнларини янада ривожлантириш давомида, шубҳасиз, бу вазифалар мураккаблашаверади.

Ўзбекистон Компартиясининг янги жанговар бўғини бўлган комиссиямиз, ҳар биримиз жумҳурият партия ташкилотининг аҳамияти ва ҳурмат-эътиборини янада ошириш, жумҳурият коммунистларининг етакчилик ролини кучайтириш ва шу тариқа тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жадал ҳал қилиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун ҳамма ишни қиламиз, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз. Ўз навбатида, айни шу муҳим масалаларнинг ҳал этилиши партиявий ишимизни амалда рўёбга чиқаради ва жумҳурият партия ташкилотлари етакчилик ролини мустаҳкамлашнинг зарур шарти ҳисобланади.

НАШРЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БОШЛАНДИ

СССР Министрлар Совети Умумиттифоқ даврий нашрларини рўйхатга олишни СССР Давлат матбуот комитетига топширди. Давлат матбуот комитети раисининг ўринбосари А. С. Горковлюк рўйхатга олиш тартиби ва бу жараён қандай бораётгани ҳақида ТАСС мухбирига сўзлаб берди

— «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ Умумиттифоқ ўқувчиларига мўлжалланган газета, журнал шаклидаги ҳозирги нашр этилаётган барча оммавий ахборот воситалари 1991 йил 1 январга қадар СССР Давлат матбуот комитетида рўйхатга олиниши лозим. Рўйхатга олиш жойи, — Москва, Петровка кўчаси, 26-уй.

Нашрларни расмийлаштириш учун ариза тақдим этиш кифоя, аризада оммавий ахборот воситасининг муассиси, номи, тили, қаерда жойлашганлиги, унинг тахминий тиражи, чиқиш даври, ҳажми ва пул билан таъминлаш манбалари кўрсатилиши лозим. Аризани кўриб чиқиш муддати кўпи билан бир ой.

Агар ҳудди шу номдаги оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинган бўлса ва ўз-ўзидан равшанки, янги газета ёки журнал саҳифаларида мавжуд давлат тузумини зўрлик билан ағдариб ташлашга даъволарни босиб чиқариш, урушни, зўрликни ва шафқатсизликни, ирқий, миллий ёки диний тоқатсизликни тарғиб қилиш, қонун билан муҳофаза қилинадиган сирни очиш, шунингдек ахлоқсиз суратларни кўпайтириш режалаштирилаётган газеталар ёки журналлар рўйхатга олинмайди, деб таъкидлади А. С. Горковлюк.

Мамлакат парламентида жамоат ташкилотлари тўғрисида Қонун қабул қилингунга қадар мамлакатдаги сиёсий партияларнинг органлари ҳам рўйхатга олинмайди. Бундай органларни рўйхатга олиш ҳуқуқий жиҳатдан саводсизлик бўлур эди: агар партияларнинг ўзлари ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган бўлса, бинобарин, бу партияларнинг ўзи йўқ, шундай экан партиянинг органи бўлиши мумкинми?

Агар муассислар орасида нашрни таъсис этиш ҳуқуқи тўғрисида баҳс чиққан бўлса, оммавий ахборот воситаси расмийлаштирилмайди. Вилоятларда ва шаҳарларда бундай баҳслар бўлиб туради. Кўпинча шундай бўладики, нашрларни унинг олдинги муассислари, шу жумладан ҳокимият органлари, нашриётлар ва меҳнат жамоалари ўзаро тақсимлай олмайдилар. Бундай муносабатлар олдин ўзлари ҳамма нарсани аниқлаб олишлари, шундан кейингина рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза билан ҳузуримизга келишлари керак. Лекин бу ҳақиқатни аниқлашда биз уларга воситачилик хизмати қилишга, малакали ёрдам беришга тайёр эмасмиз, деган гап эмас.

Оммавий ахборот воситаларининг муассислари — ташкилотлар ёки шахсий кишилар аризадан ташқари рўйхатга олиш йиғимини тўлаш учун икки минг сўм тайёрлаб қўйишлари керак. Чет эллик ўқувчиларга мўлжалланган нашрларни рўйхатга олиш тарифи ҳали аниқлангани йўқ. Буни яқин орада СССР Молия министрлиги белгилаб беради.

7 августгача, деди А. С. Горковлюк, СССР Давлат матбуот комитетининг журнал ва газета нашрлари бўлимига нашрни рўйхатга олиш илтимос қилинган шахсий кишилардан бешта ва ташкилотлардан юзга яқин ариза тушди.

В. ЗЕНЬКОВИЧ.

ЖУМҲУРИЯТ ҲАРБИЙ КОМИССАРИАТИДА КЕНГАШ

Ўзбекистон ССР Ҳарбий комиссариатида йигитларни 1990 йилги баҳорги ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришнинг якунларига бағишланган кенгаш бўлди. Унда партия, совет органларининг вакиллари, Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округининг раҳбар ходимлари иштирок этдилар.

Жумҳурият ҳарбий комиссари, генерал-майор В. Н. Маҳмудов ахборот берди.

Ёшларни бу йилги ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, деб таъкидланди кенгашда, навбатдаги чақириқ ҳар йилдагидек мамлакат мудофаа министрининг буйруғига мувофиқ эмас, балки СССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига асосан ўтказилди. Бу эса ўз навбатида жумҳуриятимиздаги идоралар ва жамоат ташкилотларининг, биринчи навбатда маҳаллий Советларнинг зиммасига катта масъулият юклади.

Армияга чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан иш олиб борилди, суҳбатлар уюштирилиб, учрашувлар ўтказилди. Йигитларни ҳарбий хизматга жўнатиш вақти ва жойи белгиланганди. Шикоятлар ўз вақтида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди.

Халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари корхоналар ва жамоат ташкилотлари билан келишиб, чақирилувчилар тушган ҳарбий эшелонларга хизмат жойигача ҳамроҳ бўлиб боришни ташкил этдилар.

Ўртоқлар Ватанимиз ҳарбий хавфсизлигини мустаҳкамлашга, ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшларни ватанпарварлик ва байналмилалчилик руҳида тарбиялашга, миллатлараро алоқаларни ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ишида иштирок этишга уруш ва меҳнат ветеранларини жалб этишлари лозим.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ СЪЕЗДИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА ВЕТЕРАНЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Уруш ва меҳнат ветеранлари жумҳурият Кенгаши президиумининг бўлиб ўтган мажлисида кенгаш раиси Р. Ғ. Ғуломов ўзи делегат сифатида иштирок этган КПСС XXVIII съезди якунлари тўғрисида ахборот берди.

Жумҳуриятнинг барча даражадаги ветеранлар кенгашларига партия съезди якунларини муҳокама қилишда ветеранларнинг кенг иштирок этишлари ушбу мавзуда оммавий ахборот воситаларида, меҳнат жамоалари, ёшлар ҳузурида сўзга чиқишлари учун таъсирчан чоралар кўриш тавсия этилди.

Ветеранлар ташкилотлари маҳаллий шароитни ҳисобга олиб ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазиятда олиб бориладиган ишларнинг асосий йўналишларини белгилашлари, қайта қуриш жараёнларида ёшларни ватанпарварлик ва байналмилалчилик руҳида тарбиялашда, миллатлараро алоқаларни ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ишида иштирок этишга уруш ва меҳнат ветеранларини жалб этишлари лозим.

(ЎзТАГ).

ЎҚИТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

НУКУСДА ПЕДИНСТИТУТ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Қорақалпоғистон АССРда мамлакат ҳукуматининг қарорига биноан Нукус университетининг бир қанча факультетларини негизида яна педагогика институти ташкил этилди.

Бир вақтлар пединститут автоном республикада университет ташкил этилиши учун асос бўлиб хизмат қилган эди. Қорақалпоғистон педагогика олий ўқув юртини қайта тиклаш юзасидан қарор қабул қилинишига нима сабаб бўлди?

— Асосий сабаб шундан иборатки, мавжуд олий ўқув юртлари муаллимларга бўлган эҳтиёжни тўла даражада таъминламаяпти, дейди автоном жумҳурият халқ таълими министри Ж. Бозорбоев. — Шу сабабли халқ таълими даражаси кўнгилдагидек эмас. Бизга ҳар йили 1800—2000 педагог талаб этилмоқда. Нукус давлат университети эса йилига 500 га яқин педагог тайёрлаб бермоқда. 1981 йилда мактабларимизда олий маълумотли ўқитувчилар 82,2 фоизни ташкил этган бўлса, бу йилги ўқув йилида улар атиги 77,7 фоиздан иборат бўлади. Айниқса бошланғич синфларда малакали ўқитувчилар ва тарбиячилар етишмайди. Масалан, Шуманай ва Ленинобод районларида шундай мутахассислар атиги 20 фоизни, умуман Қорақалпоғистонда эса 46,8 фоизни ташкил этади.

Мактабларни қорақалпоқ тили ва адабиёти, жисмоний тарбия, меҳнат, мактабгача тарбия, математика, миллий мактаблар учун рус тили ва адабиёт ўқитувчилари билан таъминлаш масаласи кескин бўлиб турибди. Болаларни тасвирий санъатга, чизмачиликка, мусиқа, ашулага ўргатадиган муаллимлар йўқ. Педагогика институти ана шу муаммоларни ҳал этиши керак.

Нукус давлат университетидан педагогика институтига барча асосий педагогик мутахассисликлар бўйича шуғулланаётган студентларнинг бир қисми ўтказилади. Ўзбек тили ва адабиёти ҳамда қорақалпоқ тили ва адабиёти бўлимлари бутунлай янги олий ўқув юртига ўтказилади. 1 сентябрдан бошлаб педагогика институти факультетларида 2300 дан ортиқ талаба таҳсил кўради, олий ўқув юрти эса ҳар йили қарийб 700 нафар дипломли муаллим ва тарбиячи тайёрлаб беради.

В. ТРОИЦКИЙ,
ЎзТАГ мухбири.

Ат-Термизий таваллуди олдидан

7 август куни Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасида имом ат-Термизий ижодини ўрганишга бағишланган анжуман олдидан журналистлар билан учрашув бўлиб ўтди.

— Мусулмонлар оламининг машҳур алломаси, диний илмлар мажмуасини яратишга муносиб ҳисса қўшган олим, жамоат арбоби имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий таваллудига 1200 йил тўлмоқда, — деди Ўрта Осиё ва Қозоғистон диния бошқармасининг раиси, муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф мухбирлар билан суҳбатда. — Шу йил 14 сентябрь куни имом ат-Термизий меросини ўрганишга бағишланган конференция иш бошлайди. Бу халқаро анжуманда 400 киши, шу жумладан хориждан 120 киши қатнашади.

Бундай улкан анжуман бизнинг диёримизда ўтказилиши ислом мамлакатлари ўртасидаги дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда ушбу санани муносиб нишонлаш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Имом ат-Термизийнинг хадислар тўпламини, китобларини ўзбек тилига таржима қилиш мўлжалланган.

Шарқ алломаси, имом ат-Термизий таваллудига бағишланган анжуман Тошкентда бошланиб, Термиз ва Душанбе шаҳарларида давом этади.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Дунё овози

• *Покистон:*

Фавқулодда ҳолат

Покистон президенти Ғулом Исҳоқхоннинг фармонига биноан 6 августда кечқурун мамлакатнинг бутун ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этилди. Давлат бошлиғининг фармонида таъкидланишича, «Покистон хавфсизлигига ташқаридан хавф туғилаётганлиги ва мамлакат ичкарисида тартибсизликлар чиқиши мумкинлиги» муносабати билан ушбу қарор қабул қилинган.

Шу куни бундан аввалроқ Ғулом Исҳоқхон миллий ассамблея (парламентнинг қуйи палатаси), вилоятларнинг қонун чиқарувчи мажлислари тарқатиб юборилганлигини ва бош министр Беназир Бхутто ҳукумат бошлиғи лавозимидан бўшатилганлигини эълон қилган эди. Парламентга сайлов шу йилнинг 24 октябрига белгиланганди. Покистон президенти миллий радио ва телевидение орқали нутқ сўзлаб, «Ҳокимиятнинг олий табақаларида порахўрлик ва ҳукумат билан вилоятларнинг маъмуриятлари ўртасида келишмовчиликлар кучайганлиги, расмий шахслар хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги» муносабати билан шундай кескин чора кўришга мажбур бўлганлигини айтди.

Оппозициядаги Покистон миллий халқ партиясининг раиси Ғулом Мустафо Жатой Покистон бош министри вазифасини вақтинча ижро этувчи қилиб тайинланди. Уни қасамёд қилдириш маросимида Покистон олий ҳарбий қўмондонлигининг барча вакиллари, жумладан қуролли кучлар штаблари бошлиқлари бирлашган комитетининг раиси ва барча қўшин турларининг қўмондонлари иштирок этдилар. Ғ. М. Жатой журналистлар билан қисқа муддатли учрашув чоғида «мамлакат миллий манфаатларини ҳимоя қилиш»ни ўзининг асосий вазифаси деб билишини айтди.

Ғ. М. Жатой — тажрибали сиёсий арбоб. У генерал Зиёул Ҳақ ҳукмронлик қилган йилларда демократияни тиклаш учун кураш ҳаракатида фаол иштирок этди. Бир неча бор қамоққа ҳукм қилинди. 1986 йилгача Покистон халқ партияси раҳбарияти таркибида бўлди, сўнгра Б. Бхутто бошчилигидаги ҳукмрон Покистон халқ партиясига нисбатан оппозицияда бўлган Покистон миллий халқ партиясини ташкил этди.

Маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича, Ғ. М. Жатой Покистон қўшилмаслик ва қўшни мамлакатлар билан дўстлик сиёсатини ўтказиш тарафдоридир. У ички сиёсат соҳасида миллий иқтисодиётнинг хусусий секторини ривожлантиришни, ислом кадриятларини мустаҳкамлашни ёқлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

ИРОҚ БИЛАН ҚУВАЙТ ЎРТАСИДАГИ МОЖАРОНИНГ ТАЪСИРИ

САН—ФРАНЦИСКО, 8 август. (ТАСС мухбири Андрей Сидорин). «Ироқ — Қувайт можароси натижасида Форс кўрфазининг нефтга бой районида юз берган вазият АҚШ иқтисодиёти учун оқибати узоқ вақт давом этадиган жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин», — деб ҳисоблайди Эн-Би-Си телекомпанияси.

Ўтган бир кеча кундузда Нью-Йорк ва Европа биржаларида хом нефть нархи 15 фоиз кўтарилди. Мамлакат эҳтиёжининг ярми четдан келтириладиган нефть ҳисобига қондирилиши муносабати билан нефтнинг қимматлашиши АҚШдаги иқтисодий вазиятни янада чигаллаштириб, долларнинг харид қуввати камайишига олиб боради, деб таъкидлайди телекомпания. Ўтган ҳафтанинг бошидан буён бир баррель нефтнинг қиймати 8 доллар ошди ва яна шунча қимматлашиши кутилмоқда. Бунинг оқибатида АҚШда пулнинг қадрсизланиш даражаси иқтисодиёт учун хавфли даражага — 8 фоизга етиши мумкин.

Бутун мамлакат бўйлаб юзлаб автомобилларга бензин қуйиш станциялари бир галлон (3,785 литр) бензин нархини 5—10 цент оширди, деб таъкидлайди Эн-Би-Си. Келгуси қиш даврида уйларни иситиш учун ишлатиладиган нефть нархи яна шунча қимматлашиши мумкин. Авиабилетлар қимматлашмоқда. Нефтдан олинадиган пластмасса буюмлар ва бошқа моллар, ҳатто синтетик толани қўлланиб тайёрланадиган кийим-кечак қийматининг ошиши кутилмоқда.

• *Шри Ланка:*

«ЙЎЛБАРСЛАР»НИНГ ЯНГИ ЁВУЗЛИГИ

«Тамил нлама» озодлик йўлбарслари» экстремист ташкилотининг жангарилари ҳеч гуноҳи бўлмаган тинч аҳолига қарши яна ёвузлик қилдилар.

Хабарларга қараганда, якшанба ва душанба кунлари тамил жангариларининг гуруҳлари Ампарай шарқий округининг Аккарайпатту районидаги учта мусулмон қишлоғига ҳужум қилдилар. Улар деҳқонларни шолизорларга олиб чиқиб, қирғинбарот қилдилар. «Йўлбарслар»нинг ҳуружи натижасида жами 50 киши ўлдирилди. Жиноят содир этилган ерда варақалар топилди. Варақаларда экстремистлар мазкур район аҳолисига ўз туғилган ерларидан 10 августгача чиқиб кетишга буйруқ берган эдилар.

Шри Ланка мусулмонлар конгрессининг раҳбари М. Х. М. Ашраф ҳукуматни шимоли-шарқий вилоят мусулмонлари ҳавфсизлигини таъминлаш учун самарали чоралар кўришга чақирди. Армия ва полиция бўлинмаларига орол шарқида «йўлбарслар»ни зарарсизлантириш юзасидан ҳаракатларни кучайтириш тўғрисида буйруқ берилди, деди «Айлэнд» газетаси мухбири билан суҳбатда полиция бош инспекторининг ўринбосари Чандра Фернандо.

(ТАСС).

ХУШХАБАРЛАР

«Совет Ўзбекистони» мухбирлари ёзадилар

ЎШГА ЁРДАМ

● Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида «Ўшга ёрдам» қўмитаси тузилганлиги хабар қилинган эди.

Шоирлар, ёзувчилар, қалам соҳиблари, жумҳурият халқ депутатлари, олимлар уюшган қўмитанинг мақсади Ўш ва Ўзган шаҳарларида рўй берган фожиа асоратини тугатиш, жабрдийдаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш.

Куни-кеча қўмитанинг Андижон бўлими иш бошлади. Унга вилоят ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби Қамчибек Кенжа бошчилик қиляпти.

А. ҚУРОНБОЕВ.

ИТТИФОҚДА ЯГОНА

● Қайта қуриш даврининг ўзига хос белгиларидан бири мамлакатимизда кўплаб қўшма корхоналар қурилиши бўляпти. Жумҳуриятимизнинг ўзида бир қатор чет эл фирмалари билан ҳамкорликда бунёд этилган қатор завод ва фабрикалар маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаб юборишди.

Одатда бундай корхоналар чет эл технологияси ва лойиҳаси асосида қурилади. Ҳом ашё ва ишчи кучи таъминотини эса совет томони ўз зиммасига олади. Зеро, Италиянинг Априлия шаҳрида қурилиши мўлжалланаётган янги қўшма корхона эса бутунлай бошқача тарзда ташкил этилади. Бу корхонага янги технология асбоб-ускуналари ва мутахассисларни совет томони тақдим этади. Ҳом ашё, ишчи кучи, ишлаб чиқариш майдони ва рекламани эса Италия томони таъминлайди. Бонси Қўқон ёғ-мой комбинатидаги данак ёғи заводи чет эл савдо-саноат доиралари эътиборини тортяпти. Италиянинг «Самма» фирмаси раҳбарлари ўз юртида мана шундай завод қуриш имконияти билан қизиқиб қолишди. Қўқон ёғ-мой комбинатининг директори, СССР халқ депутати Ю. Ёқубов яқинда Италияда бўлиб, ушбу фирма раҳбарлари билан ўша ерда янги завод қуриш юзасидан музокаралар олиб борди.

— Бўлажак корхона данакни қайта ишлаш, данак пўчоғидан энтро ва гемосорбентлар, металлни силлиқлашда ишлатиладиган данак уни ишлаб чиқаришга мўлжалланган, — дейди Ю. Ёқубов. — Италия бизнесменлари мевадан иккиламчи хом ашё, писта, данак пўчоқларини қайта ишлашдаги фаолиятимизга, бу соҳадаги ўзимиз яратган асбоб-ускуналар ва технологияга юқори баҳо беришди. Корхонани қўқонлик мутахассислар қуришади. Қўшма корхонада йилига 2 минг тонна атрофида данак қайта ишлаш режалаштириляпти.

А. ИБОДИНОВ.

ЧУСТ ВА АШТ МУЛОҚОТИ

● Чуст райони меҳнаткашлари Тожикистон ССР Ленинобод областининг Ашт райони билан яхши қўшничилик қилиб келишади.

«Чуст ҳақиқати» ва «Шуҳрати Ашт» рўзномаларининг қўшма сонларида мана шу дўстлик, биродарлик ўз аксини топган. «Чуст ҳақиқати» газетасининг саҳифаларида аштлик биродарларнинг шу кунги ҳаётига оид масалалар ўрин олган. «Шуҳрати Ашт» рўзномасида Чустдан Аштдаги «Заркор» совхозига бориб деҳқончилик қилаётган Т. Тўйчиев билан мулоқот ҳамда «1-Май» колхози раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати А. Ғафуровнинг «Қўлни қўлга бериб» мақолалари берилган. Ҳар икки рўзномадан ўрин олган мақолаларда икки район меҳнаткашларининг ўзаро ҳамкорлиги, ўзбек ва тожик халқларининг бир тану, бир жон бўлиб меҳнат қилаётгани ўз ифодасини топган.

А. МАДАТОВ.

Закийлар маҳфили

(Закийлар суҳбатига оид дастлабки мақола «Мантиқ—Машъала» сарлавҳаси остида рўзномамизнинг шу йил 14 июнь сонида эълон қилинган эди).

САЛОМ ОДОБИ

Жўрабоши: — Закийлик шартларидан бири суҳбатда ҳар бир сўзнинг маъносини ва унинг ишлатилиши ўрнини яхши билиб олишдир. Ажнабий олимлардан бири «сўзларнинг маъносини аниқланг, шунда дунёдаги янглиш ишларнинг ярмини олдини олган бўласиз» деган экан. Ҳар қандай учрашув саломдан бошланади. Саломларнинг энг мўътабари «Ассалому алайкум»дир. Шу ҳақда ёш жўраларимизга қисқача маълумот берсангиз!

Домла: — «Салом» сўзининг маъноси тинчлик ва эсонликдир. «Ассалому» деганда аниқ салом, яъни кишининг эсонлиги ва тинчлиги учун зарур бўлган муайян соғлиқ, кайфият ва шароит тушунилади. «Алайкум» — «Сизга» дегани, «сенга» демоқчи бўлган киши «алайк» дейиши ҳам мумкин. Салом берган киши «Ассалому алайкум» дейди. Буни «салом бериш» дейилади. Жавоб қилган киши «ваалайкум ассалом», яъни сизга ҳам ассалом, тинчлик, эсонлик бўлсин, дейди. Буни «саломга жавоб бериш ёки «алайк олиш» дейилади. Баъзан «Ассалому алайкум»ни хайрлашиш олдида ҳам айтадилар. Чунки унинг маъноси хайрлашиш учун ҳам мувофиқдир. Сўзловчи сўзини, ёзувчи ёзувини тугатганда ҳам «Ассалому алайкум» ёки «вассалом» дейиши мумкин.

Салом бериш одобига оид муҳим шартлардан бири шуки, у мутлақо самимий бўлиши ва яхши-ёмон ҳамда танишнотанишни фарқ қилмасдан юракдан берилиши лозим. Салом берилувчига эл қатори эсонлик ва эзгулик тилаган ҳолда салом беришнинг ҳам салом берувчига, ҳам алайк олувчига улуғ манфаати бор.

Самимий саломнинг, умуман ўзгаларга нисбатан яхши ният ва яхши муомалада бўлишнинг киши камоли учун аҳамияти улуғдир. Яхши ният кўнгилда ғам-у ғуссага, зулмат-у ҳираликка қолмайди. Бундай оққўнгил шахс умрбод асаб дардларига мубтало бўлмайди.

Салом одобига оид яна бир расм шундан иборатки, киши хонадан неча марта чиқиб қайтиб кирса ёки очиқ жойда бўлса, шунча бор ҳамсуҳбатларидан рухсат сўрайди. Бундай салом «мен ҳузурингизга қайтиб келдим» ва «суҳбатга ёки хизматга ҳозирман» деган маънони ҳам билдиради. Бу ҳолда бир салом билан икки мақсад амалга оширилади. Биринчидан, эзгу тилак изҳор қилинади ва иккинчидан ҳамсуҳбат ёки ҳамкорларнинг диққати қайтиб келганликка жалб этилади.

Салом берганда салом берилувчи киши қасддан саломга жавоб бермаса ҳам салом берувчи закию муаддаб бўлса, ҳеч ранжимасдан бу ҳолни яхшиликка йўйиб, ўз саломига ўзи «ваалайкум ассалом» деб алайк олиб кета беради.

Савол: — «Фалончи паловни яхши тайёрлайди» ёки «чойни яхши тайёрлайди» деса бўладими?

Жавоб: — Ўзбек тилида «тайёрламоқ» феъли пиширмоқ, дамламоқ маъноларида қўлланилмайди. Шунинг учун таомга нисбатан «пиширмоқ», «қилмоқ» феъллари ишлатилади. Биринчи навбатда чойга нисбатан ва ундан сўнг паловга нисбатан ҳам «дамламоқ» феъли қўлланилади. «Тайёрламоқ», «ҳозирламоқ» ёки «тайёр» сўзлари масаллиққа ҳамда пиширишнинг айрим амалларига нисбатан истеъмол қилинади. Аммо гап умуман пириш ҳақида борганда «пиширмоқ», «қилмоқ» ва «дамламоқ» сўзлари ишлатилади. Масалан, паловнинг масаллиғини қозонга солишга тайёр қилиб қўйгансиз, «масаллиқ тайёр» ёки «масаллиқни тайёрлаб қўйдим» дейсиз. Пиширишни зирвакка етказганда ҳам «зирвак тайёр» ёки «зирвакни тайёрлаб қўйдим» дейишингиз мумкин. Таом сузиш ҳолатига келганда «тайёр» сўзини ишлатиш мумкин. Лекин «фалончи нима қиляпти?» деган саволга «у палов тайёрлаяпти» деб бўлмайди. «Фалончи палов қиляпти» ёки «пиширяпти» дейилади. Агар пириш жараёни «дамлаш» амалига келган бўлса «дамлаяпти» дейиш ҳам мумкин. Бир киши палов пиширишга моҳир ёки нўноқ бўлса, «Фалончи паловни яхши ёки ёмон тайёрлайди» дейиш ҳам хатодир. Чунки бу ҳолда паловни пириш санъати эмас, пиширишдан ўзга амаллари тушунилади.

Демак, «тайёр» ва «тайёрламоқ» сўзлари таом пиширишга нисбатан эмас, унинг амалларидан кейингисини бошлашга ҳозирликни билдириш учун қўлланар экан.

Савол: — «Хўжалик совуни» тўғри иборами?

Жавоб: — «Хўжалик совуни» дейиш ғайритабиийдир. Кир ювадиган совун «кирсовун», тан ювинадигани «атир совун» ёки «ироқи совун» дейилади. Совуннинг ҳолатига қараб «тошсовун», «упасовун», «увоқ совун», «суюқ совун» дейиш мумкин.

Савол: — «Илмий ёшлар» деган иборага қандай қарайсиз?

Жавоб: — Бундай деб айтиш ножоиз. Русчада баъзан «научная молодёжь» дейилади. Лекин бу ибора ўзбекчага «ёш олимлар» деб таржима қилинади. «Ўзбекчада «илмий кенгаш» дейиш ҳам тўғри эмас. Бу ҳолда ҳам «илмий» сўзи ўрнида «олим» сўзини ишлатиш мумкин. «Олимлар кенгаши» ёки «уламо кенгаши» дейиш аниқ ва тўғри таъбирдир.

Жўрабоши: — Азиз жўралар, шу ерда суҳбатимизни тугатиб, хайрлашамиз. Вассалом.

Алибек РУСТАМОВ,
профессор.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ПРЕЗИДИУМИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИНИНГ ДИРЕКТОРИ БЎШ ЛАВОЗИМИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Филология фанлари доктори илмий даражасига эга бўлган, ёши 60 дан ошмаган шахслар конкурсда иштирок этишлари мумкин.

Конкурс қатнашчилари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, 4 та фотосурат, таржимаи ҳол, олий ўқув юртини битирганлиги, илмий даража берилганлиги тўғрисидаги дипломларнинг нусхалари, меҳнат жамоаси ёки бошқа орган, ташкилот томонидан номзодликка тавсия этилганлиги тўғрисидаги мажлис баённ.

Номзодликка тавсия этиш ҳуқуқи Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми ва Ижтимоий фанлар бўлими, бошқа илмий муассасалар олий ўқув юртларининг илмий кенгашлари, жамиятлар, ассоциацияларга ҳавола этилади.

Ҳужжатлар — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Гоголь кўчаси, 70-уй, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми. Ижтимоий фанлар бўлими.

Телефон: 33-82-52.

Ўзбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги
И. ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
1990 ИИЛ УЧУН ИККИНЧИ ДАВРА АСПИРАНТУРАСИГА ҚУИИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎИИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА:
юқори молекулали бирикмалар кимёси, машинашунослик ва машина деталлари, тўқимачилик саноати машиналари ва агрегатлари, кимёвий толалар технологияси, тўқимачилик хом-ашёсига (ип-газлама, ипак, каноп) дастлабки ишлов бериш, тўқимачилик материаллари технологияси (ип йигириш, тўқувчилик, трикотаж), халқ хўжалигида иқтисод, режалаштириш ва бошқаришни ташкил қилиш;

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА:
юқори молекулали бирикмалар кимёси, тўқимачилик саноати машиналари ва агрегатлари, кимёвий толалар технологияси, тўқимачилик хом ашёсига (ип-газлама, ипак, каноп) дастлабки ишлов бериш, тўқимачилик материаллари технологияси (ип йигириш, тўқимачилик, трикотаж), тўқимачилик материалшунослиги, халқ хўжалигида иқтисод, режалаштириш ва бошқаришни ташкил қилиш.

Иккинчи давра аспирантурасига ҳужжатлар 1990 йил 1 октябргача қабул қилинади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700100, Тошкент шаҳри, ГСП, Горбунов кўчаси, 5-уй, аспирантура бўлими.

Телефон: 53-66-34.

Ўзбекистон ССР халқ маорифи вазирлиги
АСАЛАРИЧИЛИКНИ ЎРГАНИНГ!
Тошкент вилояти Тошкент ноҳиясидаги
19-СОН ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990—1991 ўқув йили учун

10-синф ҳажмида маълумотли 30 ёшгача бўлган йигит ва қизларни асаларичилик мутахассислиги бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1 йил. Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради. Билим юртини аъло баҳо билан битирган ўқувчиларга техникум ва олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади. Улар институтга конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқувчилар стипендия, тўрт маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, талабалик гувоҳномаси билан таъминланадилар.

1991 йил 1 апрелдан ишлаб чиқариш практикасига юбориладилар.

Жамоат хўжаликлари ва давлат хўжаликларидан йўлланма билан келганлар ўз жойларига ишлаб чиқариш практикасига ҳамда ўқишни тугатганларидан сўнг ишга юбориладилар. Ўқувчилар практика даврида ишлаган иш ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

Ўқиш 1990 йил 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳол, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида шаҳодатнома, тавсифнома, турар жойидан маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, тиббий шаҳодатнома (086/У андозада), хўжаликдан йўлланма.

Ҳужжатлар 25 августгача қабул қилинади.

Билим юртининг манзили: Тошкент вилояти, Тошкент ноҳияси, А. Абдураҳмонов номли давлат хўжалиги, 2-бўлим, СПТУ-19. Телефон: 56-689. (Билим юртига бориш учун Чорсу метросининг автостанциясидан 466-автобусга чиқиб, «СПТУ-19» бекатигача келинади).

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

...Ёдгорлик тоши устидаги оқ мато секин-аста сирғалиб тушди. Ҳаяжонли дамларга тўла ҳовли сув қуйгандек жимиб қолди. Тўпланганларнинг чеҳрасида изтироб. Ҳамманинг нигоҳи мармар тошдаги битикка қадалган.

«Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди.

Баҳодир Сапаев — 1968 йил 17 март — 1988 йил 3 июнь.

Бахтиёр Одилов — 1968 йил 25 март — 1987 йил 3 май.

Саъдулла Ражабов — 1967 йил 19 май — 1987 йил 13 январь.

Улар байналмилал жангчилардир».

Бу уч йигит Совет Армияси сафига шу даргоҳ — Тошкент Давлат чет тиллар институтининг француз тили факультетида ўқиётган кезлари кетишган эди.

— Орамизда йўқ инсонларни хотирлаш энг муқаддас ишдир, — деганди институт ректори, профессор Жалолиддин Бўронов ёдгорликнинг очилиш маросимига бағишланган йиғилишда сўзга чиқиб. — Зеро, уларнинг номлари абадийдир. Баҳодир Сапаев, Бахтиёр Одилов, Саъдулла Ражабовларнинг умр йўллари қисқа бўлса-да, лекин уларнинг жасорати, шиддати олдида ҳамиша бош эгамиз.

Бахтиёр таржимонликни орзу қилса-да, яхшигина шеърлар ёзар, кичик ҳикояларни французчадан ўзбек тилига ўгирарди. Курсдоши Фурқат Қодировнинг айтишича, Бахтиёр табиатан хушчақчақ ва шеърият шайдоси эди. Унинг она юрти — Бўстонлиқ районидаги Қумқўрғон қишлоғи сўлим тоғ қўйнида жойлашган. Балки Бахтиёр ҳам эзгуликка интилишни, ҳаётни севишни, шоирона туйғуларни шу сўлим табиатдан олгандир. У Афғонистонда ҳарбий хизматни ўтаётган кезлари отаонаси, дўстлари, курсдошларига, она юртига қайтишни интиқлик билан кутаётганини, машғулотларни соғинганини ёзган эди... Бахтиёр Одиловнинг номини абадийлаштириш мақсадида ўзи ўқиган Ойбек номли 30-ўрта мактабга унинг номи берилди.

Баҳодир Сапаев эса Хоразм вилоятининг Шовот ноҳиясидаги «Правда» колхозида туғилган. Шафқатсиз ўлим эндигина ҳаётда йигирма баҳорни қаршилаган йигитни ўз домига тортиб кетди.

Саъдулла Ражабов эса, ўлимидан сўнг «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди. Ўлимидан сўнг... Фарёд чекаётган оналар оҳига, дардига қўша-қўша «Қизил Юлдуз»лар эмас, фарзанд ўғлони малҳам бўлади.

Тўғри, ҳозирги кунда уларнинг номини абадийлаштириш учун мактаб ва кўчалар қўйилди. Зотан, факультет декани Маннон Нишонов таъкидлаганидек, «Ҳалок бўлган йигитларни биз факультетимизнинг абадий фахрий талабалари деб атадик. Зеро, улар мутахассисларимиз рўёбга чиқарадиган эзгу ишлари замирида ҳаётдир».

Санда ИЎЛДОШЕВА.



● Айни кунларда жумҳуриятимиз пойтахтига барча вилоятлардан сабзавот-мева ва полиз экинлари ортилган машиналар кетмакет келиб турибди. Улар уюштирилаётган ярмаркаларда аҳолига сотилмоқда. Фарғоналик миришкорлар Куйбишев районн аҳолисига маҳсулот етказиб бермоқдалар. Айниқса, «Саёҳат» меҳмонхонаси ёнида савдо қизғин. Ушбу суратда сиз ана шу ярмаркадан лавҳалар кўриб турибсиз.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.



ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

ИЧКИЛИК ОҚИБАТИ

Тошкент вилояти «Қўрғонча» посёлкасида яшовчи Раҳимберди Ҳайдаров кечки пайт «нон олиб келаман» деб, уйдан чиқиб кетдию, бошқа қайтиб келмади.

У шу посёлкада жойлашган «Кўк—Сув» ошхонасида З. Исоқов ва А. Абдутолиповлар билан танишиб қолди. Улар биргаликда пиво ичишганидан кейин «Ширмон нон» кооперативи чойхонасига келишиб, спиртли ичимлик ичишни давом эттирадилар. Шу орада жанжаллашиб қолишади. Оқибатда улфатлар Ҳайдаровни обдон калтаклайдилар, боши, қўкраги, қорни ва бошқа жойларига уриб тепадилар. Абдутолипов билан Исоқов қилган жиноятларини яшириш мақсадида Ҳайдаровни Қўшариқ каналига ташлаб, чўктириб ўлдирадилар.

Суд давомида қотиллар Ўзбекистон ССР Жиноят Кодекси 80-моддасининг 6, 8 бандлари билан айбдор деб топилди.

А. Абдутолипов 14 йилга, З. Исоқов 13 йилга озодликдан маҳрум қилиндилар.

БЕПАРВОЛИК-МИ ЁКИ...

Усмон Юсупов ноҳиясидаги Автономов номли 24-совхозда яшовчи 1974 йилда туғилган Муҳаммадали Отақўзиев ёш бўлишига қарамай суднинг қора курсисида ўтирган эди. Лекин, у ўзига бундан тегишли хулоса чиқариб олмади, яна жиноятга қўл урди.

У шу ноҳияда жойлашган 25-қишлоқ ҳунар-техника билим юртининг биринчи курсида тракторчиликка ўқиётган вақтида бир эмас, саккиз маротаба Усмон Юсупов район матлубот жамиятига қарашли 5-озиқ-овқат магазинига ўғирликка тушади ва жами 3500 сўм пул ўмаради.

Хўш, бу жиноят қандай содир бўлди. Шу савдо дўконида Муҳаммадалининг ўгай отаси қоровуллик қилар эди. Неча маротаба савдо кассасидан юзлаб сўм пул ғойиб бўлар эдию, ҳеч ким буни сезмай қолар эди. Муҳаммадали Отақўзиев эса ўғирлик пулларни майда-чуйда нарсаларни харид қилишга кетказган.

Магазин мудири Панжи Баҳромов ва сотувчи Баҳодир Баҳромов сўроқ қилинганларида, улар савдодан тушган пулларни доимо санаб, тахлаб қўйиб кетишларини, кейинчалик бу тушумдан камомад чиқа бошлаганда, ўзлари тўлаб борганликларини айтдилар.

Бу воқеага Усмон Юсупов ноҳияси халқ суди охирги нуқтани қўйди. Очиқ суд мажлисида М. Отақўзиев ЎзССР ЖКнинг 114-моддаси 4-қисми билан айбдор деб топилиб, беш йилга озодликдан маҳрум этилди.

КИМ ТИРНОҚҚА ЗОР, КИМДА ТИРНОҚ ХОР

Сурхондарё вилояти судининг жиноий ишлар бўйича судлов коллегияси С. Ўроқов раислигида кўрган жиноий иш кўпчиликнинг нафратини қўзғатди.

Жарқўрғон ноҳиясида туғилган Пардахол Пўлдошева 1984 йили турмушга чиқди. Музаффар исмли ўғиллик ҳам бўлишди. Лекин, 1989 йили эри Ш. Олтибоев жиноят қилиб жазога тортилгач, у турмуш ўртоғининг оила аъзолари билан жанжаллашиб уйидан чиқиб кетди. Фарзандини эса қайнонаси қўлида қолдирди.

Шу воқеадан бошлаб унинг бошқа ҳаёти бошланади. Тўйма-тўй юриб ўйнаб, пул топа бошлади. Айшуишратга берилиб кетди. Дилдора исмли қиз кўради. Лекин, болага унда на меҳр, на оналик туйғуси бор эди. Болани сунъий овқат билан боқар, кўп вақт оч қолдирар эди. Бу ҳам етмаганидек Пардахол икки ойлик фарзандидан қутилишни ўйлаб қолди. Бола қорни очиб йиғлаганда қасддан ўлдириш мақсадида бир чой қошиқ уксус аралашмасини оғзидан қуяди. Натижада Дилдора касалхонада уч кун қийналиб вафот этади.

Жиноят жазосиз қолмайди, албатта. Йўлдошева Пардахол Ориповна ЎзССР ЖКнинг 80-моддаси 6-банди билан айбдор деб топилиб, саккиз йилга озодликдан маҳрум этилди.

Э. МУТАЛХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги катта маслаҳатчиси.

Спорт

ОҒИР АТЛЕТИКА:

ГОЛИБЛИК СУПАСИДА

● Львов шаҳрида армиячилар чемпионати ўтказилди. Мусобақада Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округининг армиячилари муваффақиятли куч синашдилар. Улар команда ҳисобида биринчи бўлишди. Бу муваффақиятга 75 килограмм вазнли Улуғбек Пошшахўжаев иккикурашда 330 килограммли натижа билан зафар қучиб, муносиб ҳисса қўшди. 67,5 килограммли Андрей Корнеев билан 82,5 килограммли Вячеслав Ню мусобақанинг кумуш медалларини эгаллашди. Сергей Казадаевга бронза медали насиб этди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● БИРИНЧИ ЛИГА. Чемпионатнинг 24-тур ўйинлари бошланди. Асосий ўйинлар кеча бўлиб ўтди. Дастлабки икки учрашувда майдон эгалари ғалаба қозонишди. Чунончи, «Таврия» — «Кузбасс» ўйинида 2:0 ҳисоби қайд этилган бўлса, «Тирас» — «Локомотив» (М) учрашуви 1:0 ҳисобида тугади.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг илмий текшириш тажриба станцияси мазмурияти, хўжаликнинг бош бухгалтери

Ҳаким АЗИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси мазкур ташкилотнинг кекса ходими, геология-минералогия фанлари номзоди

Санд Олтиевич ОЛТИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгаши ва касаба уюшмалари марказий жумҳурият қўмиталари касаба уюшмалари курортларини бошқариш Ўзбекистон жумҳурият кенгаши раиси Ҳ. М. Маҳмудова укаси

Азимжон Шарипович МАҲМУДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурияти, партия ва жамоат ташкилотлари ҳамда трикотаж ишлаб чиқариш технологияси кафедраси жамоаси шу кафедра доценти М. М. Муқимовга онаси

Жамила МУҚИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

2-Тошкент индустриал-педагогика техникуми жамоаси техникум директори Ҳ. А. Ибрагимова онаси

Рисолат ИБРАГИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси ижодий коллективи рўзноманинг шаҳмат шарҳловчиси, СССР спорт мастери, халқаро тоифадаги ҳакам М. Муҳиддинова қизи

Манзура ТУЛАГАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

№ 180. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12